



ЭНДИ БИРОЗ ЁМОН БЎЛАЙЛИК

ЭНДИ БИРОЗ ЁМОН БЎЛАЙЛИК

Ўзбекистонда Каримов ўлди, аммо Каримовнинг ўлкамизда иншо этган сиёсий режими тирик қоляпти.

Унинг тириклигини биздан кўпроқ, Каримовнинг меросхўрлари ҳар қулай фурсатда қайд этишдан чарчамаяптилар.

Бунинг исботи сифатида, Каримов конституцияни бузиб, 27 йил иқтидорда қандай қолган бўлса, бугунги муваққат ҳукумат ҳам айнан Каримов каби Конституцияни бузиб, Президентлик лавозимини ишғол этди...

Бу янги ҳукмдор самимият билан Каримов йўлидан кетишини эълон қилди.

Аммо биз шундай бир очик баёнотдан сўнгра ҳам режимдан ўзгаришлар кутиб, кир босган дўппиларини кўкка отаётган шоввозларга ҳайратланаяпмиз.

Ажабо, бу ўзгаришларни фақат улар кўраяптию, биз кўрмайпмизми?

Бу дупписини осмонга отаётган зиёсиз зиёлиларнинг ёки кўзлари кўр ёки ҳақиқатан ҳам ўз манфаатлари учун ватанини сотишга ҳам тайёр шахслар.

Эй, жаноблар, Русия раҳбари

Путин Самарқандга Каримов қабрига гулдаста қўйиш учун келмади, у Мирзиёевдан Москвага садақатда ваъда олиш учун келди ва ўз истагига тўла эришди.

Аслида, Мирзиёев бу тайёргарликларни Каримов ўлим тўшагига ётган ондаёқ бошлаган эди. Ўзбекистон халқини қутаётган бу муҳтамал фожианинг қисқача ҳикояси шундай:

Владимир Путин 30 август ва 1 сентябр кунлари орасида Шавкат Мирзиёевнинг назоратли сайловлар орқали Президентлик курсисига муаммосиз ўтиришини таъминлаш мақсадида Россия Федерал хавфсизлик хизмати (ФСБ) ходимларидан иборат 300 кишилиқ гуруҳ юборди Ўзбекистонга.

Бу гуруҳга қуролли амалиётлар устаси булган ҳарбий гуруҳ илова қилинди ва улар Тошкент ва бошқа катта шаҳарларга жойлаштирилди.

Бу ишлар Бош Вазир Мирзиёевнинг талаби ва розилиги билан амалга оширилди.

Каримов қабрининг фониди олинган суратга қарасангиз, Путин ва Мирзиёевнинг юзларидаги севинчли кўзойнаксиз ҳам кўришингиз мумкин. Шу қадар аниқ севинч!

Путиннинг 2016 йил 6

сентябр куни Самарқандда ўзбек диктаторининг мозорига қўйган гулчамбари, аслида, бир ўлка Мустақиллиги мозорига қўйилган гулчамбардир.

Бу муболага эмас, бунинг муболага эмаслигини куни кеча "Царьград ТВ" дан чиққан рус шовинисти "авроосиёчи" Дугин тасдиқ этди. У "Ўзбекистон Каримовдан кейин Москвасиз ўз мустақиллигини сақлай олмайди" дея баралла баёнот берди. (<https://www.youtube.com/watch?v=cMq9tfB2k3E>)

Ўзбек халқи Рус халқи билан дустилик ичида яшашни истайди, ўзбек давлати Россия давлати билан якин ҳамкорлик қилишни истайди, Аммо Русиянинг бугунги ҳукмати Марказий Осиё давлатларига нисбатан экспансив муносабатини давом эттирмакда ва бу бизнинг халқларимизни жиддий равишда андишалантирмакда.

Мирзиёевнинг муваққат ҳукумати Путин Россияси билан тахликали бир уйин олиб бормокда. Мирзиёевнинг маддоҳлари эса, ўзбек ватанпарварларини Мирзиёевнинг қилаётган ижобий ишларини қурмаётганликда айблаяпти. Қирғизистон ва Тожикистон билан чегараларини очгани ва халқ билан контакт ўрнатганини кўрмайпти, деб айблайди.

Холбуки, муваққат ҳукуматнинг Қирғизистон чегарасини очиши бизни севинтирди.

Аммо асрлар давомида айни жўғрофия, айни маданият ва айни тарихни биз билан баҳам кўрган Қозоғистон, Туркменистон, Тожикистон чегаралари ҳам худди шундай очилиши керак. Тиканли симлар олиб ташланиб, халқларимиз бир-бирлари билан ўтмишда қандай қардошча яшаган бўлишса, бугун ҳам шундай яшашлари учун имкон яратилиш керак.

Энг муҳими, янги ҳукумат бу хуррият эшикларни юрт ичкарасида ҳам, ўзбек халқига очиши керак, қуллик рамзи бўлган ОВИР каби муасасаларни дарҳол

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

бекор қилиши лозим. Бу бир рижа ва бир ёлвориш эмас, бу бир талабдир, ҳақларимизнинг конститутивий талабидир.

Айтиш мумкинки, бу дунёга сочилиб кетган 8 миллионлик муҳожир нуфузининг энг долзарб талабидир.

Камина тоталитар тузумнинг шуурли бир душманиман, аммо бу системада бир яхши нарса кўрса, бир чатнаш пайдо бўлса, уни дарҳол кўриш басирати – алҳамдулиллоҳ – бизда ҳам бор.

Фақат бу чатнашни шу онда мен кўролмаяпман.

Майли, ўша “чиқиш визаси” деб аталган разолат тимсоли (ОВИР) бекор қилинсин, биз буни тоталитар системанинг илк чатнаши улароқ қабул этишга тайёрмиз!

Аммо ҳукумат тарафдори булган сайтлар 2015 йил Каримов имзолаган юрт ташқарисига чиқиш шартларини “такомиллаштириш” ҳақдаги қарорни такрор эълон қилишди ҳолос. Яъни ОВИР бўйинтуруғи миллат бўйиндан олиб ташланмайди, аксинча такомиллашади бундан буёғига.

Зулм такомиллашади.

Зулм такомиллашмоқда. Ха, жазо машинаси такомиллашади, қабоҳатнинг муқуллари қувватлантирилади.

Бунинг энг сўнгги исботи, Каримов даврида 23 йил зиндонда ўтирган ЭРК партияси аъзоси, собиқ миллатвакили Самандар Куқоннинг жазо муддатини Мирзиёев ҳукумати яна 3 йилга узатди.

Мирзиёев келди, дея осмонга отилган дўппилар ерга тушиб улгурмасдан, давлат террори янгидан шохланди. Диндорларга бўлган репрессия ҳам Каримов давридагидан баттароқ бир шаклда давом этмоқда: шу сўнгги ой ичида Ўзбекистонда, хусусан Фарғона водийсида, Андижон, Наманган, Кўкон шаҳарларида юзига маска такқан жаллодлар диндор оилаларнинг уйига бостириб кириб, тинтув ўтказиб, уриб-синдириб, бегуноҳ мусулмонларга зулм ўтказмоқда.

Худди 27 йил аввал Мирзиёевнинг отаси Каримов фаолиятини қандай бошлаган бўлса, бугун унинг меросхўри Мирзиёев ҳам илк одимини диндор ва сиёсий мухолифлар устига отди.

Шунинг учун ҳам муваққат ҳукумат келганига қарамай,

Ўзбекистондан қочаётган инсонлар сонига озайиш эмас, кўпайиш кузатилмоқда. Муҳожир оқими тўхтагани йўқ.

Ўзбек муҳожирлари сони бугун нақ САККИЗ МИЛЛИОН га етди!

Бу бир Оврупа ўлкаси Норвегия нуфузининг деярли икки мисли!

Бу бизнинг ён қўшнимиз қардош Тожикистон нуфузига тенг бир нуфуз!

Нима бўлди бизнинг ўлкамизга?

Йилларча фуқаролар урушини бошдан кечириб, хонавайрон бўлган ўлкаларда ҳам бу қадар инсон ресурси бу қадар қисқа бир муддатда юртини тарк этмаган.

СИЁСИЙЛАШУВ

Биз яна бир 25 йиллик зулм даврига тайёр эмасмиз, бунга таҳаммулимиз йўқ. Энди ўз ҳақларимизни ҳимоя қилмасак бўлмайди. Бу ишни Ғарблик инсонсеварларга топшириб, улардан мадад кутиб ўтиришни бас қилишимиз керак.

Ҳақларимиз учун ўзимиз жангга кирмасак, биз бу ботқоқдан асло қутула олмаймиз. Жамиятимиз сиёсийлашуви лозим. Мусулмонлар сиёсийлашувлари керак.

Маълумки, аввал Советлар, кейин Каримов режими халқимизни сиёсатдан узоқ тутиб келди.

Номи республика, амалда эса Москванинг бир вилояти қўнимиде бўлган ўлкаларимизда фақат Москвадан юборилган кишиларгина сиёсат билан шуғулланиши мумкин эди.

Ерли раҳбарлар юқоридан келган амрларни бажарадиган бир ижрочи маъмурлар эди ҳолос. Кенг халқ оммаси учун эса сиёсат билан шуғулланиш у ёқда турсин, бу ҳақда орзу қилиш ҳам таҳликали эди.

Бу ҳолат биз мустақиллик эълон қилингандан кейин ҳам ўзгаргани йўқ. Халқ сиёсатдан бугун ҳам узоқ ва тоталитар режим бу ҳолатни нормал ва ҳатто жоиз деб кўрсатапти.

Режим дин ва сиёсат айрилиғи принципини, лаицизмни рўқач қилиб, мусулмон халқни сиёсатга аралаштирмаслик учун курашапти ва бу йўлда дин арбобларидан унумли фойдаланяпти.

Диндорларга ва сиёсий мухолифатга қарши юритилаётган давлат террорига қарши халқдан бир сас чиқмаётган бўлса, бунда давлат тарафини олаётган дин пешволарининг роли катта. Улар дин бошқа сиёсат бошқа деган

сафсата билан мусулмонларга янглиш йўл кўрсатмоқда ва катта гуноҳ ишламоқда. Чунки дин биз учун ҳаётимизнинг бутун жабҳаларига низом берган глобал мафкурадир, сиёсат ҳам унинг ташқарисиде бўла олмайди.

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи вассаллам аини пайтда буюк сиёсатчи ҳам эди.

Туркистон мусулмонлари буни унутмаслиги керак.

Биз сиёсий ҳаётга дохил бўлганимизда эди, ислом дунёси устида ўйналаётган ўйинларни тезроқ англаб, уларга қарши вақтида тадбир олишимиз мумкин эди. Бизнинг маҳаллий тоғутларнинг ҳомийлари фақат Шарқда эмас, балки бизга хуррият ва демократия маркази деб айтилган Мағрибда ҳам етарли эканлигини аллақачон кўрган бўлардик.

Бошқа тарафдан, бутун балолар манбаини бегона ўлка ва мафкураларни кўрсатаверишдан ҳам тийилишимиз керак.

Биз ўзимизга ҳам танқидий қарашга ўрганишимиз керак. Балки ҳатто ҳаммасидан аввал ўзимизга, ўз нафсимизга назар солишимиз, уни ислоҳ қилишга ҳаракат қилишимиз керак.

МУСУЛМОН ЖАМОАСИ

Ислом давлатларининг дунёвий ҳаётнинг бутун жабҳаларида энг қоқоқ давлатлар эканини ёзаётган муҳолиф мафкуралар ўз иддаоларини биз эътироз эта олмайдиган далиллар билан исботлашмоқда.

Фақат улар бу қоқоқлик сабабини янглиш йўрумламоқдалар. Улар ислом дунёсининг қоқоқлигини ислом динидаги консерватизм билан изоҳлайдилар. Кўпол айтганда, бу қоқоқликка ислом дини сабаб дейишади.

Биз қоқоқлигимизни тан оламиз, аммо унинг сабаблари хусусида ислом муҳолифларига зид тарафдамиз.

Бизнингча, мусулмонларнинг қоқоқлик сабаби мусулмон бўлганликда эмас, аксинча, мусулмон бўлмаганликдадир.

Ёки том мусулмон бўлмаганлигидадир.

Яъни қоқоқлик тамалида иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий сабабларидан ҳам кўпроқ маънавий сабаб ётибди.

Бир ҳалол ва тақводор мусулмон иш одамини танийман. У ўз диндош

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдиги саҳифада)

биродарларидан кўпроқ Оврўполик ёки Яхудийлар билан ҳамкорлик қилади. Бунинг сабабини сўраганимда, у “оврўполик ва ёки яхудий иш одамлари билан иш қилиш қулай, осон ва амниятли”, деб жавоб берди укамиз.

“Нега?” деб сўрасам, у сўзма-сўз шундай деди: “Чунки мусулмонлардан фарқли ўларок, Оврўполиклар ваъдасига вафо қиладилар, омонатга хиёнат қилишмайди, гапирса ёлғон гапирмайдилар”, деди укамиз.

Мен жуда ноқулай аҳволда қолдим. Чунки Пайғамбаримиз саллаллоху алайҳи васаллам юқорида саналган бу фазилатларнинг айнан мусулмонда бўлиши кераклигини таъкидлаган эди.

Демак, қоқоқлигимиз сабаби ҳали ҳам том мусулмон бўлмаганимиздадир.

Қоқоқликка яна бир катта сабаб бу мусулмонлардаги Кибрдир.

Биз аввал мусулмонлигимизни, кейин мазахбимизни, кейин жамоатимизни ягона кутқарилганлар синфи деб биламиз.

Яқинда бир шайх ТВ да чиқиб, ўз муридларига кибрда сўроққа тутилганимда “мен накшбандий тариқатининг фалон гуруҳиданман” десанг, ҳеч сўроқ қилинмасдан тўғри Ризвоний аълога бориб тушасан”, деб фатво берди.

Кейин эснаб ўтириб, «ақл бу куйфрга олиб борувчи йўл», деди. Кейин Ибни Сино ва Форобийни ақлли бўлганлари учун “кофир” деб эълон қилди.

Бу мусулмон шу қадар ўзидан амин, шу қадар кибрли!

Пағамбаримиз саллаллоху алайҳи васалламнинг саҳобаларидан Масуқ розияллоху анху шундай деган эди:

“Инсон учун илм ўларок Аллоҳ кўркуси, жоҳиллик ўларок манманлик этар”.

Юқорида зикр этганимиз шайхда Аллоҳ кўркуси бўлганида эди, бу қадар жоҳил бўлмас эди.

Бошқача айтганда, унда илм бўлганда эди, бу қадар манман бўлмас эди.

Аллоҳ мусулмонларни кибрдан кўрисин.

Мусулмонларнинг катта бир қисми яна бир балога гирифтор бўляпти. Бу тақфирчилик балосидир.

Шундай мусулмонлар пайдо

бўляптики, иштон болоғини унингдек шимариб юрмасангиз сизни кофирга чиқариши ҳеч гап эмас. Соқолингиз унинг соқолидан икки миллиметр қисқарок бўлса, бу ҳам тақфир учун бемалол асос бўла олади. Унга башарангиз ёқмаса, бу ҳам тақфир учун этарлидир.

Жамоатларнинг кўпчилигида тақфир террори ҳукм сурмоқда. Худди коммунист диктаторлар ўрнатган тоталитар режимларда ҳукм сурган террорга ўхшайди бу ҳам: бирор кимса ўз фикрини эркин айтиш жасоратини кўрсатса, зудлик билан тақфир террорига учрайди. Бу бир даҳшатдир!

Аллоҳим, биз мусулмонларга ҳар нарсдан аввал ақл бергин!

Акс ҳолда, биз ҳалок бўламиз.

Аллоҳнинг инсон зотига берадиган энг улкан неъмат ҳақиқатан ҳам ақл эканига яна бир марта шоҳид бўляпмиз.

Ибн Кутайба ўзининг “Уюн-ал-ахбор” китобида бу хусусда бир гўзал ривоят келтириб, шундай дейди: “Жаброил алайҳиссалом Одам алайҳиссаломнинг ёнига келиб:

– Сенга уч нарсга келтирдим, биттасини танла. – дейди.

– Недир булар? – деб сурайди Одам алайҳиссалом.

– Ақл, ҳаё ва дин, – дейди Жаброил.

– Ақлни танладим, – деб жавоб беради Одам алайҳиссалом.

Шунда Жаброил алайҳиссалом Ҳаё ва Динга:

– Одам ақлни танлади, сизлар кетаверинглар, – деди.

Улар:

– Биз Ақл қаерда бўлса, ўша ерда бўлишга амр олдик, – дейишди ва Ақлдан айрилмадилар”.

Қиссадан ҳисса шу-ки, агар Ақл бўлмаса, ҳаё ва ҳатто дин ҳам инсонда узоқ қолаолмайди.

Ақл шу қадар буюк неъмат. Токи Ақлни инкор этар экан, мусулмонларнинг бирор бир тараққийтга эришмоғи мушкулдир.

КУРАШ УСЛУБИ

Сўзимнинг охирида ўзбеклар севган тинчлик ҳақида бир икки сўз сўйламак истайман.

Биз ўзбеклар мусулмон дунёсининг энг тинчликсевар парчасимиз. Биз тинчликни ҳар нарсдан устун кўямиз. Ҳатто ўз оиламиздан, фарзандларимиздан, ҳатто баъзан номусимиздан ҳам устун кўямиз. Бир тинчликсевар миллат ўларок, золимга “тўхта” демаймиз, ўз ҳақларимиз учун

жиход қилмаймиз, чунки золимдан келадиган балодан кўрқамиз.

Ҳолбуки, буюк фоқиҳ ва тафсирчи Тобароний бизни зид тарафдан огоҳлантиради: “Жиходни тарк этган жамият умумий бир балога дучор бўлади”, дейди у.

Ҳа, агар биз ўз ҳақларимизни тарк этмаганда эди, жиходни тарк этмаганда эди, Каримов бу тинчлик тўла мамлакатни 27 йил давомида уруш ҳолатида тута олмасди.

Ҳа, бу мақталган тинчликдан роппа роса 8 миллион киши ташқарига қочди, мингларча инсон ўз эътиқоди ва сиёсий қарашлари учун майдонларда, зиндонларда ўлдирилди, аммо биз, бу халқ учун курашга бел боғлаган сиёсий муҳолифат, ҳеч қачон кўлимизга қурол олмадик.

Биз тинчлик фетишизми қурбонлари, бу ҳақни қўлланмадик.

Биз дунё жамоатчилигининг ва Ғарб давлатларининг Ўзбекистонда ҳукм сураётган қақшатғич зулмига “тўхта” дейишини кутдик. Биз жуда узоқ йиллар демократиянинг бир сафсата эканлигига ишона олмадик. Ишонгимиз келмади.

Аммо ҳақиқат ниҳоят ўртага чиқди. Биз секин-аста Ғарбнинг ҳам, БМТнинг ҳам айни Каримов каби демократия эмас, қўпол кучни ҳурмат қилишини кўра бошладик. Афғонистонга қочган ўзбеклардан ташкил топган бир маргинал гуруҳ сайловларда миллионларнинг овозини олган бир сиёсий партиядан устун позицияга келганини ҳайрат ичида томоша қилдик.

Бу гуруҳнинг фарқи – у қуролли эди.

Ўзбекистоннинг бутун кўшни давлатлари, Русия ва ҳатто Ғарб ҳам бу кичик, аммо қуролли гуруҳ билан музокарага тайёрлигини, аммо халқ ичида миллионларча тарафдори бўлган бир сиёсий ҳаракатни бир чақага олмаганини кўрдик.

Бу иккиюзлилиқ француз шоири Андре Френонинг “Чумоли” номли шеъридаги бир кинояни хотирлатади:

“Майсазордаги чумолининг ўлиги Нигоҳга ҳам арзимас бир нуқта!..

Ҳа, сен жирканч махлук, сени қайноқ сув билан куйдириб юборсайдим!

Аммо сен йирикроқ бўлганимда эди, масалан, минг марта йирикроқ бўлсайдинг агар.

Ва яна бир милтиқ бўлса эди

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

қўлингда, Сени одамлар мутлоқо ҳурмат қилган бўлишарди, шапкасини чиқариб саломлашган бўларди сени кўрганда”

Ҳа, бизнинг дунёмиз кўлида милтиғи бўлса, чумолига ҳам таъзим қилишга тайёр.

Шундай экан, Мирзиёев режими томонида ташкил қилиниб, иккиюзламачи халқаро институтлар кузатувида ўтадиган ҳар қандай сайлов бир масхарабозликдан иборат бўлажақдир.

Бу масхарабозликда қатнашмоқчи бўлаётган турли давлат ва ташкилотларнинг тамсилчилари ўзбек халқини ҳурмат қилмайдилар ва бу “умумхалқ овоз бериш” сохтакорлигига шерик бўлажақлар.

Овоз бериш ташкил қилинса-да бизнинг халқимиз сайловга бормайди. Чунки боришдан фойда йўқлигини билишади.

Уинстон Черчилл “Ёмон ҳукумат сайловга бормайдиган яхши одамлар туфайли ҳокимиятга келади” деганди бир пайтлар.

Шу маънода, биз ўзбеклар яхши одамлармиз. Шу қадар яхшимизки, 27 йил бир тоғутни бошимизга тож қилдик, 27 йил давомида у бизни отди, қирди, турмага ташлади, сургун қилди, аммо у ўлганда худди отамиз ўлгандай юм-юм йиғлади.

Биз шунчалар яхшимизки, энди ўша Тоғутнинг талабаси бошимизга ўтирапти, унга ҳам хушомадлар ёғдиришга бошладик. Биз ана шунақа яхши халқмиз.

Етар, бу қадар яхши бўлиш!
Энди бироз ёмон бўлайлик!
Энди бироз ёмон бўл, халқим!

Ўзингни ва фарзандларингни ўйлаш даражасида ёмон!

Уларнинг келажаги учун ҳаракат қилиш даражасида ёмон!

Золимга “золимсан” деб, ундан ўз ҳуқуқларингни талаб этиш даражасида ёмон!

Ниҳоят, бу харомийлар салтанатини йиқиб, адолатли бир давлат иншо этиш даражасида ёмон бўл!

Муҳаммад Солиҳ
Ўзбекистон Халқ Ҳаракати ва
“ЭРК” партияси лидери



Ўзбекистон Халқ Ҳаракати Баёноти

Ўзбекистон Халқ Ҳаракати Баёноти

Ўзбекистон Республикаси Бош Вазири “Конституцияни бузиш жинояти”га қўл урди. Ўзбекистонда 27 йил давомида Конституцияга зид тарзда иқтидорда қолган Ислом Каримовнинг ўлиmidан сўнг Конституцияга кўра Давлат раҳбари вазифаси ва ваколатлари Ўзбекистон Республикаси Сенати раиси Ниғматилла Йўлдошевнинг зиммасига юклатилиши лозим эди. Бироқ Бош вазир Шавкат Мирзиёев давлат тўнтариши содир қилди: худди Каримов каби, Конституцияга риоя қилмасдан, Йўлдошеви бир чеккага суриб, Президентлик курсисини эгаллади. Эндиликда Шавкат Мирзиёев Ўзбекистонни Россиянинг бўйинтуруғига солиш учун учун тайёргарлик кўрмоқда.

Россия Президенти Путин Ўзбекистон Бош Вазири Шавкат Мирзиёевнинг назоратли бир сайлов билан Президентлик лавозимини эгаллашини таъминлаш мақсадида 30 август ва 1 сентябрь оралиғида Россия Федерал Хавфсизлик Хизмати (ФСБ) ходимларидан иборат 300 кишилик махсус бир гуруҳни Ўзбекистонга юборди. Бу махсус гуруҳга қўшимча равишда ҳокимиятнинг Мирзиёев қўлига ўтишига кўмаклашиш учун курулли амалиёт қилаоладиган махсус гуруҳлар ҳам Тошкент ва бошқа катта шаҳарларга жойлаштирилди.

Шу маънода В.Путиннинг 2016 йил сентябрь Самарқандда Каримов мазорига қўйган гулчамбари аслида Ўзбекистоннинг мустақиллиги мазорига қўйилган гулчамбар эди.

Ўзбекистоннинг рус бўйинтуруғи остига кириши шартлигини “Царьград ТВ”да гапирган бошқа бир машхур рус шовинисти бўлган “Оврўосиёчи” Дугин шундай ифода қилди: “Каримовдан сўнг

Ўзбекистон ўз мустақиллигини Москвасиз таъминлай олмайди!” (<https://www.youtube.com/watch?v=cMq9tfB2k3E>).

Каримовнинг ўлиmidан сўнг инсон ҳуқуқларининг бузилиши ва ҳуқуқсизлик айнан давом этмоқда.

Янги ҳукумат дастлабки ишини диндор қатламга нисбатан босимни ва зулмни кучайтиришдан бошлади. Юзига қора никоб кийган юзлаб махсус хизмат ходимлари, мусулмон оилаларнинг ҳонадонларига бостириб кирди, уларнинг мол-мулклари талон тараж қилинди, бир қанча инсон қўлга олиниб тергов қилинди, қийноқлар қўлланилди ва ҳеч қандай айблов эълон қилинмасдан қамокка ташланди.

Бугун Ўзбекистонда 18 мингдан ортиқ сиёсий ва диний маҳкум ҳали ҳам қамокда қолмоқда. Муҳолифларнинг ва диндорларнинг қамоқ жазосига ҳукм қилиниши билан қаноатланмасдан қамоқхоналарда систематик тарзда қийноқлар қўлланилмоқда.

Каримовнинг 27 йил давомидаги зўравонликка асосланган бошқарувидан, унинг ўлиmidан сўнг ҳолос бўлишга умид боғлаган ўзбек халқи аксинча зулмнинг иккинчи босқичига дуч келди. Сўнги 20 йил мобайнида Ўзбекистонда сиёсий босимлар ва иктисодий сабаблар туфайли ҳорижга кетган, мамлакатни тарк этишга мажбур бўлганларнинг сони 8 миллиондан ошди. Бу рақам Норвегия каби бир давлат аҳолисининг салкам икки баробарига тенгдир.

2016 йил 4 декабрь куни Президентлик сайловларининг бўлиб ўтиши эълон қилинди. Аммо бу сайловларда ўзбек муҳолифатининг иштирок этиши таъқиқланди ва қатнашиш имкони борларига эса амалда

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

тўсиқ қўйилди. Бутун бу маълумотлардан келиб чиқиб, биз Ўзбекистон Халқ Ҳаракати сифатида дунё ҳамжамиятини собиқ коммунистларнинг тузоғига тушмасдан, Ўзбекистонда адолатли сайловларнинг амалга оширилишини таъминлаш учун зарур бўлган халқаро ташаббусларни амалга оширишга ва ўзбек муҳолифатининг ҳуқуқий курашини дастаклашга чақирамиз. Шу нуқтаи назардан:

1. Биринчи навбатда сиёсий қарашлари ва диний эътиқоди туфайли қамоққа ташланганлар ва ҳукм қилинганлар, ҳеч қандай шартсиз озодликка чиқарилиши шарт. Биз диний эътиқоди ва

сиёсий қарашлари туфайли қамалганларнинг ёки озодликдан маҳрум қилинганларнинг авф қилинишини эмас, бутунлай оқланишини, ҳақ-ҳуқуқлари тикланган ҳолда озодликка чиқарилишини талаб қиламиз. Уларнинг авф қилинадиган ҳеч қандай айби йўқ.

2. Қаримов даврида сургун қилинган сиёсий муҳолифат лидерларининг ва мамлакатни ташлаб чиқишга мажбур бўлган 8 миллион ўзбек фуқароларининг Ватанга қайтишлари таъминланиши керак.

3. «Миллий консенсус» тамалига асосланган янги бир бошқарувнинг фаолият бошлаши учун халқаро ташкилотларнинг кузатувида маҳаллий, умумий ва

Президентлик сайловлари ташкил қилиниши лозим. Ўзбек халқининг деярли 30 йиллик босим ва зулмга асосланган режимга энди тоқати қолмаганлигини бутун дунё ҳамжамияти билмоғи керак.

Шавкат Мирзиёевнинг Конституцияни оёқ ости қилиб, Президентлик курсисини эгаллаши ва зулмни қучайтириши каби ҳуқуқсизликлар, муҳолифат учун бошқарувга қарши курашнинг энг радикал шакллари ҳам машру (қонуний) ҳолга олиб келди.

Бундан сўнг бўлиши мумкин бўлган катаклизмлар учун жавобгарлик Конституцияни бузиб, тўнтариш йўли билан иқтидорга келган ноқонуний ҳокимиятнинг зиммасидадир.

5 Ноябрь 2016



Паспорт режими

"Паспортный режим" бўлиб ўтди, адашмасам МХХ да рўйхатда турадиганларнинг уйлари тинтув қилиняпти.

Ҳақиқатдан ховотирланишга ўрин йўқ. Ўз ҳақ ҳуқуқингизни талаб этишда чўчиманг.

Лекин бўлган иш манга ёқмади, рўйхатда Тошкент вилоятида бувимнинг уйида тураман, бу ҳам бўлса келажақда Тошкентда турсам керак, деган ниятда қўйганман. Доимий яшаш жойимда рўйхатда йўқман, шунинг учун 18 йилдан бери бўлмаган иш бўлиб ўтди. Яъни ЎзР МЖТКнинг 223 моддаси 1 қисмига биноан, маъмурий ҳуқуқ бузарлик иши содир бўлинган деб топилиб, маҳалла участка ИИБ ходими менга 449.775 минг

сўм жарима солди. Алам қилгани бирор бир огоҳлантиришсиз бу ишни амалга оширишди.

Паспортный режим пайтида ишлаётган ИИБ ходими аваал паспортимни сўради, ман эса унга такдим этдим, кейин қанчадан бери шу уйда яшашимни сўради, 18 йилдан ошганини хабар бердим, лекин ҳар ёз Тошкент



шаҳрида бўлишимни эслатиб ўтдим. ИИБ ходими паспортимни олиб кетиши кераклиги, кейин эса маҳалла участка ИИБ ходимидан олиб кетишимни айтди, табиийки мен кўнмадим, балким бирга бориб келишимни айтдим ва бориб келиб шу сатрларни битяпман.

Хуллас бу ишлардан ўз норозилигимни билдириб Онам уйида анчадан бери яшаётганлигим, олдинлари бундай ишлар бўлмаганлиги, ҳеч қандай огоҳлантиришсиз бу ишни қилиш яхши эмаслиги, шундоқ ҳам ўз чиқимларим етарлиги, ёки судга бериб ишни аниқлаштириб кейин жавобгарликка тортиш кераклигини айтдим, аммо ўз ишига жавобгар шахс: у фақатгина қилиши керак бўлган ишни қилаётганлигини айтди. Шунда мен маслаҳат сўрадим, қандай қилиб ва қаерга менга чиқарилган маъмурий жарима устидан ариза ёзишим мумкинлигини айтдим. Жавоб эса прокуратура, ёки гор.отделга мурожаат қилиб кўришимни маслаҳат берди.

Тўғриси бошқа жойларга ариза қилишим фақат вақт йўқотишим мумкинлигини билдиради ҳолос, бош вазир порталига ёзаймикин?

Ёки ҳуқуқшунослар бўлса улардан ўз маслаҳатларини кутиб қоламан.

Одил Муҳаммад
Манба: facebook.com

Ўзбекистон Халқ Ҳаракати Истанбулда ўтиши режаланган қурултойи сўнги соатларда кейинга қолдирилди.

Муҳолифат вакиллари Ўзбекистонда президент Ислом Каримов ўлимидан кейинги вазиятни муҳокама қилиш Истанбулда тўпланишганди.

Йиғин бошланишига бир соат қолганда маҳаллий ҳуқуқ-тартибот идораси расмийлари келишган ва тадбирни бошқа кунга қолдиришни сўрашган.

Расмийлар буни Туркиядаги жорий фавқулодда вазият билан изоҳлашган.

"Биз бугун бу ерда йиғилиб, Ўзбекистондаги вазият юзасидан ўз фикрларимизни билдириш ва уларни сизлар билан муҳокама қилишни мақсад қилган эдик. Лекин, Истанбул ҳокимияти вакиллари келиб, биздан узр сўради ва Туркиядаги фавқулодда ҳолат ва сиёсий вазият сабаб, бу қурултойимизни бошқа кунга кўчиришни илтимос қилди", дея тушунтириш берди Ўзбекистон Халқ Ҳаракати ҳамда "Эрк" партия раиси Муҳаммад Солиҳ.

Муҳаммад Солиҳнинг айтишича, "фавқулодда ҳолат бекор бўлганидан кейин, албатта,



Ўзбек муҳолифати қурултойи қолдирилди

қурултой ўтказилади".

Жорий йилнинг 15-июлида Туркияда амалга ошмай қолган ҳарбий тўнтариш ортидан жорий қилинган фавқулодда вазият кучда қолмоқда.

Қурултойда иштирок этиш учун 150 дан ортиқ одам йиғилган. Ўзбекистондан кутилган 4 кишидан бир нафаригина етиб келган. Айтилишича, қолганлар

аэропортда тўхтатиб қолинган.

Тўпланганлар орасида Қирғизистон собиқ омбудсмани ва Олий мажлис депутаты Турсунбой Бакир ўгли, Россиядан журналист ва таҳлилчи Орхан Жамол, Истанбулдаги "Туркистон Бирлиги Жамияти" раиси Бурхон Қовунчилар ҳам бор.

Манба: bbc.com/uzbek



Яна доимгидек фейсбук олами иккига ажради. Кун мавзуси: Абдулла Орипов.

Икки томонни ҳам тушунса бўлади. Аввало этироф этиш керакки Буюк шоир, буюк истедод эгаси эди. Буни шоирни айблаётганлар ҳам тан олади. Орипов буюк шахс бўла олмади. Халқ бу инсондан кўп нарса кутганди. Халқ кутган нарсани бера олмади, халқ билан ёнма-ён тура олмади. Орипов ҳуқуқат ва унвонлар олдида турди. Ҳуқуқат унутганда эса халқдан ёрдам кутди, халқни айблади. Халқ ўз қахрамонларини унутмайди. Минбарларда туриб халқни унутганларни, халқ ҳам

унутади. Эҳтимол, сиз Андижон воқеалари, 16-феврал воқеаларини эслай олмассиз, эҳтимол, эслагингиз келмас. аммо ўша воқеалардан жабр ва зулм кўрганлар ҳаммасини эслаб қолишган, ҳали унутишгани йўқ. Шоир оммага қарата халқни айблаганда - ўша ишлар ичида ноҳақ қамалганлар, ноҳақ отилганлар бор эди. Энди ўша ишларни ўз кўзлари билан кўрган мазлумларнинг яқинлари, таниш билишлари сизларга қўшилиб шоирни мақтамаслиги табиий ҳол. Чунки биз ЎЗБЕКмиз.

Европада Месси, Роналду, Тайсон, Янни ва ҳоказоларнинг зўр футболчи, зўр боксчи, зўр бастакор эканлигини эътироф этишар. Унинг шахсий ҳаёти, шахсий ишлари қизиқтирмас. Лекин бизда аввало одамгарчилиги, халқпарварлигига қаралади. Буюк шоир, буюк истедод эгасини ҳар қанча улуглаш мумкин. Айблаётганларда асос бор экан "оғзингни юм, бизга қўшилишиб қарсақ чал" дея олмайсиз.

Воҳидов ҳам, Орипов ҳам, Каримов ҳам ўлди. Фиръавн ҳам, Абу жаҳл ҳам ўлган. Ундан кейингилар ҳам ўлади. Тирик маддоҳлару подшоҳлар ҳам ўлади. Улар учун ибрат бордир.

Уларнинг ўлими билан бир давр тугади. Энди янги даврга гувоҳ бўламиз. Биз тарихий воқеалар гувоҳига айланяпмиз. Шоирни айблаётганларга ҳам шу гапки: шоир энг олий маҳқамаи куброга кетди. Робби билан ҳоли савол жавобга кетди. Энди унга на амали, на истедоди, на унвонлари ёрдам беради. Шундай экан амаллари билан роббиси олдида ҳоли қолдиринглар. Аллоҳ амалларини ўзига ҳамроҳ қилсин. Тавба қилган бўлса кечирсин.

Р.Сбушахсий фикрларим. Истасангиз бемалол қўшилмаслигингиз мумкин.

Сайид Исло

Манба: facebook.com

Ҳозирги кунда ноқонунан ҳокимятни эгаллаб олган ҳукумат кучлари томонидан пропаганда ва кўзбўямачилик ўйинлари авжига чиқган.

Агар эътибор бериб қарасангиз барча “кўзга кўринадиган” амалдорларни барчаси ўз виртуал қабулхонасига эга. Яъни соддагина халқ учун “ўзгаришлар замони” бўлиб туюлаётган нарса аслида МХХ учун одамлар яратиб бераётган тайёр маълумотлар базаси. Янада тушунарлироқ қилиб айтганда, энди улар аввалгидек “қулоқлик” қилишларига эҳтиёж камаймоқда. Шу жумладан бошқа давлат органлари учун ҳам “ўлжалари” ўз оёқлари билан “келяпти”. Шунини айтиб ўтишим керак, албатта, ҳозир менга қонун устуворлиги ҳақида бонг уришади. Лекин ҳар қандай ҳаракатга баҳо беришдан аввал нисбат олинаётган мезонни нақадар адолатли эканлигини билишимиз керак.

Авваламбор, мезон ҳақида гаплашсак, ҳозирда амалада қўлланилаётган конституция қай тарзда тузилди ва қабул қилинди. Унинг тузилишида асосий ролни ўйнаши керак бўлган депутатлар халқ томонидан сайланганмиди?! Халқ сайлай олиши учун унга етарлича сиёсий саводхонлик берилганмиди? Ё бўлмаса халқ ичидаги гапни айта оладиган соғлом муҳолифат фикрини эшитишганмиди?! Шу вақтгача киритилган ҳар бир ўзгаришни одамлар газетада ёки телевизорда эшитишди, лекин уни қабул қилинишида иштираётган эшитмади. Қонунлар мансабдан “узоқ ва самарали” фойдаланиш учун ўзгартирилмади?! Албатта бу саволлар кўпчилиқни ўйлантириб қўяди.

Лекин шуни очиқ айта олиш қанчалик қийин ва хавфли бўлиб қолмоқда. Совет иттифоқидан қутулган халқ, ҳуррият таъмини тотмасдан туриб қайта маънан ва руҳан занжирбанд қилина бошланганди. Ва охириги 25 йил давомида, Каримов бошчилигидаги ҳукумат ана шу мақсад ила ҳаракатда бўлди. Ҳолбуки, халқ онги туну-кун бир хил пропаганда руҳида бўлган янгиликлар ёки дастурлар, ё бўлмаса ҳавойи ўйин кулгулар тўлдирилиб борди.

“Бош кўтарганлар”ни эса оммавий жазолашди. Иқтисодий жиҳатдан советлардан фарқ қилмаган ҳолдаги тизимда ишлашди, фақат ягона фарқ олдин



Ғайритус

советлар ҳукумати остида бўлган сармояли тадбиркорлик соҳалари амалдорлар томонидан бошқарила бошланди. Уларнинг қанчалик “унумлик” фойда қилишларини, “маҳсус кийим”дагилар бошқариб борди. Халқ манфаатига хизмат қилиши керак бўлган иқтисод халқни силласини қуритди. Бунга мисол қилиб оддийгина шакарни олайлик, ёз келди дегунча дўконларда одамлар навбат олиб кутиб ўтиришади. Сабаби дўконларда эмас, аксинча уни дўконларга тامينлаб берувчиларда. Улар эса сунъий тақчиллик келтириб чиқариб, бошқа томондан одатий нархдан анча қиммат пуллашади, ёки банк тизимидаги фирромлик боис валютани “қора бозор”дан олиб, сотишга мажбурсиз.

Иккинчидан, одамлар учун яратган қонунларга халқ бўйсунуши учун шароитлар яратиб бериш керак эмасми. Масаланинг сабаби яна юқорида келтириб ўтилган муоммога бориб тақалади. Жумладан нақдсиз пул савдоси, ёхуд “пластик карталарга” савдо қилиш амалиётини олайлик. Авваламбор банклар ва бозорларни керакли жиҳозлар билан таъминламай туриб, одамларга пешона тери билан топган ойликларини, ёки узоқ кутилган нафақа пулларини пластик карточкаларда бера бошлади. Ва табиий ҳолатда, кундалик ҳаётда уни ишлатишни деярли имкони бўлмаган халқ эса уни нақд пул истагига “фоизчилар”дан 10-20 фоиз эвазига нақд қилиб олади, чунки банкда буни иложи йўқ. Қачон қараманг нақд пул йўқ бўлиб қолаверади. Озгина фойда илинжида оила тебратиш учун бозорга чиқган савдогарлар эса пластик карта учун машиналарни сотиб олиши керак, лекин банкга келиб тушган пулларини ҳатто кўрмайди ҳам. У сотиб олаётган маҳсулотларнинг

кўпчилигини ўзига ўхшаган кичик тадбиркорлардан нақд пулга сотиб олса, ҳисоб рақамидаги пулни нима қила олади?! Уша “карталар”ни қабул қилмаганларни эса, халқ олдида оммавий равишда “жазосини” бериб, камига бир икки сўм пул ҳам ундириб олишади, агар кўнгиллари тўлмаса қўлидаги “бозори”ни ҳам тортиб олишади.

Юқорида келтирилган гапларимни инкор қилиш анча мушкул деб ўйлайман, албатта кўриб туриб кўрмасликга олиб юрсак, «оч қорним тинч қулоғим» қабилида яшайверсак ҳеч нарса ўзгармайди. Бу йўлда барча жипслашиб ҳаракатда бўлиши керак. Ҳаётни қандай бўлса шундай қабул қилайлик, муоммоларини яширишдан кўра ечимини топайлик. Уни фақатгина телевизорда айтганлари каби “чаманзор” эмаслигини тан олиш пайти келди. Аммо уни буюқларга кўтариш ҳали кўлимизда. Ҳаракатсизлигим натижаси ўлароқ бизни, биздан кейинги авлод ҳақоратлаб ўтиши тайин. Қиш қунида совуқда, электр қуввати(свет)сиз ўтирганингизда бир ўйланиб кўринг, бошқа давлатларга газ ва электр токи сотадиган давлат фуқароси бўла туриб шундай аҳволдасиз, қанчалик меҳнат қилманг олаётган ойлигингиз “карта”да унга на бозордан бозор қила оласиз, на бирор нарсани арзонроқ ола оласиз, оладиган ойлигингиз билан яшаш учун керак бўлган миқдор ўртасида яшаш учун кураш бўлмаяптими, ёки ака-укангиз, ёки ота-онангиз чет давлатларда ишлаб юришларига нима сабаб бўлмоқда, Каримов айтган “дангасалик”ми, ёки оиладаги етишмовчиликми?!

Албатта бу саволларга жавобни биз аввало ўзимиз топишимиз, шу юрти фарзанди сифатида, уни аввало ривожлантириш йўлида ҳарқат қилишимиз керак, буни олдин ўзимиздан бошлашимиз керак зеро ҳар биримиз шу ватаннинг бир бўлагимиз, аввало жипслик ички адолат бўлгандагина мақсадимизга эриша оламиз. Агарда Порахўр ва фирром тизим ўрнига адолатли, халқпарвар ҳукумат қўймас эканмиз, чет элларда юрган ватандошларимизни яна юртига қайтармас эканмиз эртанги кунимиз ҳам худди аввалгилари каби ўтади. Биз орзу қилган ва етиша олмаган орзуни, фарзандларимиз учун ҳам армон бўлиб қолишига сабақи бўлмоқдамиз.

Абдуллох Нусрат

Б у г у н
Ў з б е к и с т о н д а
Шавкат Мирзиёев
конституцияга зид
тарзда мансабни
узурпация қилганини
яна бир бор эслатиб
қўймоқчиман.

(Марҳум Валерия
Новодворская
"Ўзбеклар инсон
ҳуқуқлари
декларациясини
ҳар куни ўқисин"
деганида нақадар
ҳақли эди)

Ж а н о б л а р



Ф р а н ц и я
конституциясининг
1958 йилги матни 1789
йилги декларацияда
к ў р с а т и л г а н
"қўзғолон ҳуқуқини"
ўз ичига олади.

Ф р а н ц и я
конституциясининг
1971 йилги матнида
"ватандошларнинг
узурпаторни
ағдариш" ҳуқуқи
асосий ва узил кесил
тамал ҳақ ўлароқ
кафолатланади.

Ў з б е к и с т о н

Ҳокимиятни ноқонуний қўлга киритган узурпаторга бўйсунмаслик энг аввало конституцияга ҳурматдир.

Ўзбекистонда конституция бекор қилинмади, БМТ декларацияси ҳам ўз кучида турибди.

Мирзиёевга ялтоқлансам бир нарсалик бўламан деган буқаламунлар энг камида ўз ҳуқуқий саводсизлиги учун уялмоғи керак.

Демократия ва секуляризм тимсоли бўлган Францияда 14 июль миллий байрамдир.

Бу байрам феълан "миллатнинг қўзғолон қилиш ҳуқуқини" шарафлайди.

Қўзғолон ҳуқуқи (эзилганларнинг оёққа қалқиши, революция ҳуқуқи) сиёсий фалсафада ватандошларнинг қурол дохил барча воситалар билан ўз ҳуқуқ ва эркини узурпаторлардан ҳимоя қилиш ҳуқуқи дея малакаланади.

Бу ҳуқуқ инсонга туғилганидан ато қилинган табиий ҳақдир. Шу боис уни инкор қилиш -узурпацияни машрулаштириш демақдир.

Инсоният антик даврлардан ўз бошига келган тиранларни ўлдириб бу ҳуқуқни аста-секин қўлга киритгани маълум.

Бу ҳуқуқ илк бора 1776 йилда ёзма тарзда АҚШ конституцияси преамбуласидан ер олди.

Хужжатда "Абсолют деспотизмни ағдариш" ҳуқуқи кафолатланади.

1789 йилда қабул қилинган Франция инсон ҳуқуқ ва эркинликлари декларациясининг иккинчи моддаси "ватандошнинг қаршилик қилиш ҳуқуқини

унинг табиий эрки" эканлигини таъкидлайди.

Бу декларациядаги қўзғолон ҳуқуқи 1793 йилга келиб яна тўлдирилади.

27 модда:

Кимки халққа тегишли бўлган суверенитетни ўзлаштирса эркин гражданлар тарафидан зудлик билан қатл қилинади.

33 модда: Қаршилик кўрсатиш эзилганларнинг тамал ҳақидир ва бу ҳақ инсоний эркинликка уйғундир.

Польша қироллигида ватандошларнинг "қаршилик кўрсатиш" ҳуқуқи (prawo oporu, ius resistendi) тамал ҳуқуқлар сирасидан эди.

Поляк ватандошлари бу ҳуқуқ асосида Казимир 1, Болеслав 2 каби қиролларни тахтдан ағдаришди.

Эслатиб қўяман бу ҳуқуқ ватандошларга "қуролли қаршилик кўрсатиш" ҳаққини кафолатлаган.

1948 йили БМТ қабул қилган Умумжаҳон инсон ҳуқуқлари декларацияси преамбуласида "Инсон сўнгги чора сифатида зулм ва истибдодга қарши исён қилиб бош кўтариш" ҳаққи эътироф қилнади.

Бу ҳақ Германия конституциясида ҳам кафолатланади.

ФРГ асосий қонунининг 20 моддасида Германиянинг демократик, социал ва федерал давлатчилигини "Бузишга унринган ҳар кимга қарши бутун немислар қаршилик кўрсатиш ҳуқуғига эгадир" дейилади.

конституциясида ҳам" Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан бир манбаи" экани айтилади.

Бу хужжатда "Конституцияда назарда тутилмаган тартибда давлат ҳокимияти ваколатларини ўзлаштириш, ҳокимият идоралари фаолиятини тўхтатиб қўйиш ёки тугатиш, ҳокимиятнинг янги ва мувозий таркибларини тузиш Конституцияга хилоф ҳисобланади ва қонунга биноан жавобгарликка тортишга асос бўлади" дейилган.

Шу кунларда Ўзбекистон конституциясининг 96 моддаси бузилиб мамлакат узурпатор қўлида эканлиги ватандошларга қаршилик қилиш ҳуқуқини беради.


Мана хужжат:

96-модда.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Президенти ўз вазифаларини бажара олмайдиган ҳолатларда унинг вазифа ва ваколатлари вақтинча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг зиммасига юклатилади, бунда уч ой муддат ичида, «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонунга тўлиқ мувофиқ ҳолда мамлакат Президенти сайлови ўтказилади.

(96-модда Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 18 апрелдаги ЎРҚ-284-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚХТ, 2011 й., 16-сон, 159-модда)

Шухрат Бобожон
Facebook.com ижтимоий
тармоғидан олинди



ФАСОД АХЛИГА

Биродарларимиздан бири телефон қилиб, "ака, бир қўлбола радиодан тўрт-бешта муҳолифатчи чиқиб, сизни жиҳодга чақирапти, бир кун бўлса ҳам тахтда ўтирмоқчи ва ҳақозо дея ғийбат қилишпти, бу гаплар ҳали муҳолифат ҳаётини билмаганларга ёмон таъсир қилиши мумкин, уларга кичик бўлса ҳам бир жавоб бериб қўйсангиз ёмон бўлмас эди", деди. Бу биродаримиз ушбу фасод ахлининг сони 10 тадан ошмаслигини, уларни тинглайдиганлар сони ҳам шунча эканлигини билмасди.

Барибир, биродаримизнинг самимияти ва куйиниши мени қуйидаги бир-икки калимани айтишга мажбур қилди, буни эътиборингизга ҳавола этмоқдаман.

Мен аслида бу фасод аҳли билан ҳеч қачон баҳс қилмаганман, энг ашаддийларига бир-икки марта жавоб беришга мажбур бўлдим, аммо бунга ҳам сўнгра пушаймон бўлганим эсимда. Чунки бу тоифага жавоб бериш уларнинг савиясига, улар турган ботқоқга тушиш демакдир. Пушаймонлик шундандир.

Жиҳод масаласи: ҳали биз ҳеч кимни жиҳодга чақирганимиз йўқ. Агар чақирадиган бўлсак, буни бутун дунё биладиган шаклда ташкил қиламиз, уч-тўрт фасодчининг "радио"сига қараб қолмаймиз.

Камина мақоламда ("Энди бироз ёмон бўлайлик") бевосита жиҳод ҳақда шу учта жумла бор:

1. "Бир тинчликсевар миллат ўлароқ, золимга "тўхта" демаймиз, ўз ҳақларимиз учун жиҳод қилмаймиз, чунки золимдан келадиган балодан қўрқамиз".

2. Ҳа, агар биз ўз ҳақларимизни тарк этмаганда эди, жиҳодни тарк этмаганда эди, Каримов бу тинчлик тўла мамлакатни 27 йил давомида

уруш ҳолатида тута олмасди".

3. Ҳолбуки, буюк фоқиҳ ва тафсирчи Тобароний бизни зид тарафдан огоҳлантиради: "Жиҳодни тарк этган жамият умумий бир балога дучор бўлади", дейди у.

Биринчисида, "ўз ҳақларимиз учун жиҳод қилмаймиз", дейилмоқда.

Иккинчи жумлада "ўз ҳақларимизни тарк этмаганда эди, жиҳодни тарк этмаганда эди", дейилмоқда.

Учинчи жумла бир ислом олимнинг мусулмонларга танбеҳи.

Фасодчилар "ўз ҳақларимиз учун жиҳод қилмаймиз" ўрнига "ўз ҳақларимиз учун курашамиз", деса "тушунган" бўлишарди. Улар жиҳод мужоҳада(кураш) сўзидан олинганини билмайдиган даражада саводсизлар.

Бизни "ҳокимиятга интилади, тахтда бир кун ўтирса ҳам ўтиришга интилади" дейишаётган бу фасод ахлига жавобимиз шу: биз бир сиёсий ҳаракатмиз, сиёсий ҳаракатларнинг истисносиз ҳаммаси (агар у қўғирчок партия бўлмаса) иқтидорга келиш учун фаолият кўрсатишади.

Каримовни халқ сайламади. Буни варам каллангизга суқинг, эй фасод аҳли!

Иккинчидан: сиз умрингизни Каримовга қарши эмас, менинг шахсимга қарши муҳолифатга сарфладингиз, чирик умрингизни яна-да чиритдингиз.

Каримов ўлганда, сизни ҳам фош қилиб кетди; сизларнинг муҳолифатга ҳеч қандай алоқангиз йўқлигини, фақат муҳолифат ниқоби остида муҳолифатга қарши курашганингизни фош қилди бу ўлим; сиз ҳали "а" йўқ "б" йўқ, бирдан Каримовнинг болталаридан биттаси бўлган Мирзиёевни кўкларга чиқариб мақтай бошладингиз. Кир

босган дўппиларингизни кўкка отиб, Мирзиёев дастурхонидан суяк ортиб қолармикин, дея Тошкентга термулдингиз, сўлақларингиз оқиб, "виртуал қабулхона" оstonаларида тонг оттирдингиз!

Бу сўлақли мадҳияларингизга жавобан, Каримовнинг ўғли Мирзиёев сизга қамоқда 23 йил ўтирган "эрк"чи, ўзбекнинг мард ўғлини Самандар Қўқоннинг жазо муддатини яна 3 йилга узайтирди!

Яна, "Мирзиёев қаттиққўл бўлади, муҳолифатга йўл бермайди, бу тўғри бўлади, чунки қаттиққўл бўлмаса бўлмайди бизда" деб Мирзиёевнинг зулмига биринчи кунданок халқ номидан розилик бердингиз, ким сизга бу ҳуқуқни берди, эй, мунофиқлар?

Каримовнинг 27 йиллик қаттиққўллигидан тўймадингизми?

Каримов буларга қаттиққўллик қилмади-ки, тўйсин.

Ҳали сайлов ўтиб бўлиб, Мирзиёев диндорлар ва муҳолифатга қарши зулмини оширса, буни ҳам бизга боғлаб, "жиҳодга чақирдингиз, шунга зулм кучайди, бу нормал", деяжак бу хоин руҳли нусхалар.

Булар муҳолифатга ҳам халқ дардини айтиш учун киргани йўқ, уларга қарши жиноий иш ҳам очилгани йўқ, фақат ишидан кетига тепиб ҳайдалгандан сўнгра муҳолифатни ўзларига қалқон қилишган фирибгар тоифа бу. Ва юрт ташқарисига ҳам халқ учун қочгани йўқ, Ғарбда муҳолифат унвони ёрдамида Ғарбнинг неъматидан баҳраманд бўлиш учун чиққан ахлоқсиз инсонлар.

Шунинг учун ҳам бир кунда муҳолифатдан ҳам воз кечиб, Мирзиёевни мақтаб, унга халқ номидан қаттиққўл бўлишига "рози" бўлган безбет нусхалар булар.

Ҳа, Аллоҳнинг киноясига қаранг; айнан сиз топинган Мирзиёев сизнинг мунофиқлигингизни фош этди ва сизлар бундан ғазабланиб, бизга ташланаяпсиз.

Нега?

Чунки Каримов режимида қарши собит позицияда туриб, ўз халқининг манфаатларини Мирзиёев суяқларидан устун қўйган ягона ҳаракатмиз-да, ўшандан!

Сиз ҳақ тарафидатура олганларни, Аллоҳдан қўрққанларни, уммати ва миллати учун фидокорликни бир қахрамонлик эмас, бир вазифа сифатида қабул қилган инсонларни бутун вужудингиз билан ёмон кўрасиз ва ичларингиз ХАСАД билан тўла!

Ҳасад билан тўла, чунки сизда бу хислатлар йўқ!

Зотан бу сиз учун Аллоҳнинг энг буюк жазоларидан бири.

Мухаммад Солиҳ

"Озодлик" радиосининг хабар беришича, Тошкентдан 23та автобусда Наманган вилоятининг Қосонсой туманига борган Ўзбекистон ИИБ, МХХ ва прокуратуранинг юзлаб ходимлари 9 ноябрь куни туманда уйма-уй юриб текширув ўтказган.

Наманган вилояти Қосонсой туманидаги маҳаллаларда Тошкентдан келган махсус гуруҳлар оммавий текширув, айрим ҳолларда, тинтув ўтказгани ҳақидаги маълумот "Озодлик" радиосига маҳаллий манбалардан етиб келган.

Қосонсой туман Ички ишлар бўлими ходими туманда ИИБ, МХХ ва прокуратура ходимларидан тузилган махсус гуруҳ "паспорт текшируви"ни амалга оширганини тасдиқлар экан, бу жараён давомида тинтувлар бўлган-бўлмагани ва уларнинг қандай яқун топганига оид маълумот беришни истамади.

"Озодлик" радиоси мухбири бу жараённи ўрганиш мақсадида оддий қосонсойликлар, қолаверса, унда бевосита иштирок этган маҳалла қўмиталари раҳбарлари билан гаплашган. Исмини ошқор этилмаганини сўраган қосонсойлик хунарманд ўзи яшайдиган маҳаллада бўлиб ўтган текширувларни тасвирлаб берди:

- Мелисалар келишди, Бухоро, Самарқанд томонлардан келганлари ҳам бор экан орасида. Ўша Туркия, Сурия, Россияга борганларни текшириб, кеча кетишди. Улар маҳалла ҳокимияти билан биргаликда келиб кўришди. Бизда уйма-уй киргани йўқ. Фақат четга кетганларни рўйхат бўйича кўриб чиқишди, паспорт-пропискадан то газ-свет пули тўланганигача текширишди. Аммо кўполчилик бўлмади. Шу ким кетган, қайга кетган, ўғлингиз, дадангиз қаерда, нима қилади, пул юборадими, деб суриштиришди. Номоз ўқигани учун, уйдан Қуръон чиққани учун ҳеч кимни олиб кетгани йўқ бизда. Маҳаллаимиз масжиди ҳозир ҳам очик, одамлар эрталаб ҳам, пешин ва хуфтонда ҳам намозга чиқишяпти, ҳеч ким бир нарса дегани йўқ, - дейди қосонсойлик хунарманд.

Қосонсой туманидаги хорижга меҳнат муҳожиратига кетганлар сони бўйича биринчилардан бўлган қишлоқ фуқаролар йиғини раҳбари ҳам, микрофонсиз суҳбатда ўз назоратидаги маҳаллаларда "республикадан келган меҳмонлар" паспорт текширув ўтказганини



Ўзбекистон ИИБ, МХХ ва прокуратурасининг юзлаб ходимлари Қосонсойда уйма-уй юриб текширув ўтказган

айтган:

- Улар кеча кечқурун кетишди, Худоба шукур. Ҳаммаси тинч ўтди. Бизни кўп ҳам аралаштиришмади, лекин Сурияга, Туркияга кетганлар чиқмади бизнинг маҳаллалардан. Республикадан келган комиссияси актларини ўзи ёзди, лекин бизда ҳеч қандай салбий ҳолат бўлмади. Манда олтига маҳалла бор, 18 мингдан кўпроқ аҳоли бор. Шуларнинг ҳаммасини текширишди. 100 фоиз. Комиссия бизнинг идорада ўтириб, қоғозларини тўлдирди, билишимча, салбий ҳолат бўлмади. Бирор кишини олиб кетилгани ҳолати бўлгани йўқ. Тошкентдан келганлар бизда уч кун бўлишди. Тўртта маҳаллани биринчи кунёқ яқунлашди. Чала қолганларни кейинги кун келиб, яқунлашди. Кеча 23 та автобусда қайтиб кетишди. Қуръон чиқди уйдан, деб бировни олиб кетишганидан хабарим йўқ лекин, - деди шахси ва худудини очиқлашни истамаган Қосонсойдаги қишлоқ фуқаролар йиғини раҳбари.

Тумандаги яна бир фуқаролар йиғини раҳбари, ўзи хонадонларга кириб ўтказилган текширувларнинг ҳаммасида бевосита қатнашгани, аммо текширувчиларга ташкилий ишларда кўмак берганини билдирди:

- Кеча кетишди. Мен ҳаммасида қатнашмадим. Келган меҳмонларга маҳалла ва мактаблардаги фаолларимизни бириктириб бердик. "Бизга кўчаларни биладиган вакил

берсангизлар бўлди", дейишди, бердик. Кўчама-кўча айланиб, ёзиб чиқиб, баъзи маҳаллаларни бир кунда, баъзиларини икки кунда тугатишди. Бир чеккадан ҳамманикига кириб, паспортларни кўришди. Кимникида қанақа текширишни, асосан, маҳалла раислари билан гаплашишди. Туркияга, Россияга кетганлар бор уларни маҳалла раислари берган список бўйича, бўлиниб текширишди, - деди Қосонсойдаги яна бир қишлоқ фуқаролар йиғини раиси.

Маълум бўлишича, президент Ислам Каримов вафотидан кўп ўтмай, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати ва прокуратура ходимларидан тузилган махсус гуруҳлар бутун мамлакат бўйлаб, паспорт текширувини олиб бормоқда.

Бу текширувлар давомида асосий эътиборнинг меҳнат муҳожиратига кетиб, йиллардан бери уйга қайтмаганларга оид ахборот йиғишга қаратилгани кузатилмоқда.

Бир-бирдан мустақил манбалардан келган хабарларга кўра, кучишлатар тизимлари ходимларидан тузилган махсус гуруҳларнинг диний-экстремистик гуруҳларга аъзоликда гумон қилинаётган, сиёсий муҳолифат аъзоси бўлган ва хориждан узоқ вақт қайтмаганлар яқинларига уларни Ўзбекистонга қайтариш талаби қўйилгани айтилди.

ЎХХ хабарлар бўлими

Ўзбекистоннинг янги тарихидаги мухолиф ҳаракатининг асосчиси, сургундаги шоир Муҳаммад Солиҳнинг миллатга қилган сўнги мурожаати Ўзбекистоннинг фуқаролик жамиятини жунбушга келтирди.

6 ноябр кун эълон қилинган мурожаат матни Ўзбекистон Халқ Ҳаракатининг расмий сайтида “Энди бироз ёмон бўлайлик!” сарлавҳаси остида жойлаштирилган.

Мурожаатда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 96-моддасини бузиб, Президентлик лавозимини ишғол этиш факти таъкидланади. Шунингдек, бу ишғол Каримов ўлимидан сўнг Самарқандда махсус ташриф билан келган Россия Президенти Путиннинг шахсан ташаббуси билан амалга оширилгани айтилган. Гўё Путин Каримов қабрига гулчамбар қўйиш мақсадида келган. Аслида, бутун дунёда яққаланаётган Путин Муҳаммад Солиҳнинг мажозий ифодасига кўра, “бир ўлка Мустақиллиги мазорига гулчамбар қўйиш” учун келган.

Бу нуқтада, яъни Ўзбекистон ва Ўрта Осиё минтақасида юзага келаётган вазият борасида Оқсоқолнинг безовталигига эътибор қилмаслигимиз мумкин эмас.

Яқин йилларда аҳолининг ўз ижтимоий-иқтисодий ҳолатидан норозилигини билдириб чиқиши муқаррар. Норозиликлар мавжуд ҳолат ўзгармай қолинган вазиятда ҳам, турмуш савиясининг тушишига олиб келувчи ислохотлар амалга оширилса ҳам, барибир бўлади.

Бу ерда ҳукуматни ишғол қилишда “ташки кучлар”нинг иштироки фактори ҳам юзага чиқмоқда.

Булар ҳаммаси оммавий итоатсизлик учун тамал яратаолади.

Шундай ҳам Ўзбекистон жамиятининг осойишталиги остига “секинлаштирилган мина” қўйилган. Айни пайтда, муваққат президентнинг “бегона” ва “ғайримиллий” келиб чиқиши ҳақида медиа воситаларида маълумотлар чиқаяпти. Муҳтамак норозиликларнинг қайси йўналишда кетишини тахмин қилиш кийин эмас.

Муҳаммад Солиҳ ёзган Ўзбекистон ҳудудидаги Россия

ҳарбийлари ҳақидаги маълумот безовталиқни яна-да кучайтиради, алабатта, маълумотнинг тамоман ҳаққоний эканлигини қафолатлаш кийин.

Бугун Шавкат Мирзиёев учун халоскор, ислохотчи, минтақавий тинчлик ўрнатувчи сифатида Ўзбекистон ва бутун минтақа тарихига кириш имкони пайдо бўлди.



Сўнги сўз ҳали айтилганича йўқ

У бу имкониятдан фойдалана оладими? Жамиятдаги тубдан ўзгариш юқини ўз елкасига олишни истайдими?

Агар у буни исботлашнинг ягона шарти саналган сиёсий ва диний маҳбусларни дарҳол озод этса эди, юқоридаги айтилганлардан умид қилса бўларди.

Аммо муваққат президент вазифасини бажарувчи, қўлида реал, мутлақ ҳокимият бўла туриб, буни амалга оширишга шошилмаяпти.

Қолаверса, қамокда 23 йилдан ортиқ ўтирган ўзбек “Манделаси”, парламентнинг собиқ спикер ўринбосари Самандар Қўнонов муддатига яқинда 3 йилу 5 кун қўшиб берилди.

Ҳурматли Оқсоқол мана шу фактга бизнинг эътиборимизни қаратаяпти.

Бу ерда тушунарсиз булган нима?

Буни рад қилиш мумкинми?

Унга қуролли кураш эҳтимолини истисно этмагани учун унга қарши ҳужумлар ва кўраолмаслик инсонни ҳайратлантиради.

Кечирасиз, аммо ҳукумат ўз фуқароларининг ҳуқуқ ва эркинликларини қурол билан бостиришдан воз кечишга тайёрми?

Авалло ҳукумат мухолифларга нисбатан зўравонлик қўлланишига тақиқни эълон қилсин ва шундан кейин унинг вакиллари боши узра адолатли қасос қиличи осилиб

турмайди.

Албатта, хуррият Оқсоқолининг барча фикрларига ҳамфикр бўлиш мумкин эмас. Унинг тактик ҳаракатдаги хатоликлар бор. Хусусан, унинг мусулмонлик ва турк фактори билан чекланиши менга истикболсиз кўринади.

Тожик ва рус тилида гапирувчи ўзбеклар, тожиқлар, руслар, қозоқлар, украинлар, кирғизлар, арманлар, яҳудийлар, қрим тоторлари, тоторлар, корейслар, немислар ва Ўзбекистон, ҳамда қўшни мамлакатларнинг қолган бошқа миллатлари Оқсоқолни қўллаб қувватлашади, агар унинг Эркинлик ва Тенглик идеаллари этноэкслюзив характерга эга эмаслигини ҳис этсалар. Чунки фақат мусулмонлар эмас, насронийлар, яҳудийлар, буддистлар, атеистлар ва бошқалар ҳам Адолат истайдилар.

Ва мухолифат тарафдорлари қанчалик кўп бўлсалар, қуролли тўқнашув эҳтимоли шунчалик кам бўлади. Инсоният тарихи кўрсатадики, бир ҳовуч жасурлар (ёки авантюристлар) кенг ижтимоий асос бўлмаган ҳолатларда, қуролли акцияларга қўл уришади, бу билан гўёки бўшлиқни шовқинли “товуш эффектлари” билан тўлдирмоқчи бўлишади.

Намоишларнинг оммавий характерига эса кўчага чиқиш етарли бўлади, саф тортиб, бир-бировининг қўлларни ушлаган ҳолда, ҳар ким ўз “инига” тарқаб кетмаслик шарти билан. Ўқ очилмаса, ҳужум қилинмаса бас!

Мен ҳеч қачон Муҳаммад Солиҳ томонидан бошқарилган ташкилотлар таркибида бўлиш шарафига эга бўлмаганман. Мен “Бирлик”ка Солиҳ ташкилотдан чиққанидан сўнг келдим.

Шунга қарамадан, Ўзбекистоннинг биринчи демократининг ҳалол номи қораланишга лойиқ эмас деб ҳисоблайман. Эркин бўрилар йўлбошчисининг машаққатли вазиятига суюниб, байрам қилган шоқолларга ўхшашнинг кераги йўқ.

Лидер ўзининг сўнги сўзини ҳали айтгани йўқ ва унинг энг яхши ови ҳали олдинда.

Qanat Odil

Манба: Facebook.com

Русчадан ЎХХ таҳририяти таржимаси

Солиҳа Аёл - иймоннинг ярми дейишган.

Бир синфдошим бор. Ўзи жуда яхши йигит, аммо ибодатсиз, кайфу сафога берилган, таралла бедод йигит. Қанча гапирсам ҳам парвойига олмасди. Шу учун, ўртамиздаги ришта фақатгина синфдошлик нуқтаи назаридангина қолганди.

Солиҳа Аёл - иймоннинг ярми

Вақтлар ўтиб уйланадиган бўлди. Тўй "дискотечний" бўлгани учун бормади. Келин тараф ҳам ўзига ўхшаган казо-казолардан экан. Тўйда роса маишатбозлик, оқию, қизилдан бўлганини тўйдан кейин билдим.

Вақтлар ўтиб дўстим ўзгара бошлади... ва бир кун олдимга келди. Ҳамма нарсани бошидан айтиб берди.

Келинг, бўлган воқеани унинг тилидан айтиб бера қолай.

Тўй тугаб, Илк никоҳ кечаси куни уйга кирдим. Озгина кайфим бор эди. Дўстлар билан ичгандик.

Не кўз билан кўрайки аёлим жойнамоз устида ўтирибди. Ғалати туюлди.

Бироз ўнғайсизландим. Намозини тугатгач, кайфим зўрлик қилиб тегианаман дедим, лекин "илтимос, бугунча ётиб ухлайлик" деди. "Нозингдан ўргилдим", дедимда ётиб ухладим.

Шу билан эртанги куни пешинда уйғондим. Кеч кирди. Яна ёлғиз қолдик.

Сўнг гап бошлади "илтимос, таҳорат қилиб чиқинг. Кеча айта

олмадим, никоҳ намозини ўқисак дегандим" деди.

"Ие, буёғи қизиқ бўлдику, сиз отин оймисиз?" Дедим. Индамади.

Таажжубланганим қизнинг отаси, яъни менинг қайнотам шаҳарда катта ароқфурушлардан эди. Унинг қизи эса менга намоз ўқинг, деяётганди.

Ё тавба, мен эса ибодатлик

аёлга уйланганимдан мутлақо беҳабар эдим. Ўша кун таҳорат қилишни билмаслигимни, кейин ўқишлигимни айтдим.

Кунлар ўта бошлади. Аёлимга ота-онам қистови билан уйлангандим. Кўчадан лаззатини топадиган мендек нобакор ўғилни мажбурлаб уйлантиришганди.

Тўй ҳам эҳтиёжлар устига қурилганидан ҳабарим борида. Аёлимни оиласи бизнинг оиламизга мосиди.

Ота онамнинг қистови билан ёқмаса ҳам уйланиб юборавергандим. Лекин аҳли аёлимда ундай нарсалар йўқ, жуда содда, оддий ва камига такводор ҳам эди.

Ўзи кўримсиз бўлса ҳам одоб ва ахлоқи билан ўзига ром эта бошлади.

Меҳрим ошиб борди. Кеч юрушлар камайди. Лекин ичиб келишни тўхтамасди.

Аёлим билан шундай "договор" қилиб олгандик, ичиб келган куним уйга кирмайман. Бошқа хонада ётаман. Одатий кунларнинг бирида ичиб келдим. Бошқа хонага жой

солинган экан, қаердан билди экан ичганимни, дедимда ётдим.

Эрталаб турсам олдимда ўтирганча ухлаб ётибди. Қимирлаганимни билиб уйғониб кетди.

Юз қўлимни ювиб чиқдим, бир вақт аёлим тиз чўкиб қўлимни ушлади "ёлвораман, Аллоҳдан кўркинг, шу нарсани ичишни ташланг. Яқинда ота бўласиз. Фарзандимнинг отаси бундай бўлишини хохламасдим", деди.

Кўзидан оқаётган ёш, ота бўлишлигим қувончи... ичимдан бир нарса узилиб кетгандек бўлди.

Озгина қотиб турдимда "бошқа ичмайман" дедим.

Ўша кундан ичишни ташладим. Улфатлар ҳам ёқмай қолди. Аввалги базмлар энди йўқ, кўришиб дарров кетардим.

Дўстларимнинг "хотин кули, уйланиб ўзгарибсизу, мунча хотиндан кўркмасанг" каби сўзларига аҳамият бермай, улар билан алоқани уздим.

Аста секин таҳорат, намозни ҳам ўргандим.

Мана энди дўстим "масжидга олиб чиқиш сенга қолди" деди.

Дўстим гапирарди, мен эса йиғлардим.

Аллоҳ нақадар буюк зот-а? Сиз сўрамаган яхшилиқни ҳам сизга бериб қўяди.

У шунчалик меҳрибонки золимдан олимни чиқариб қўяди.

P.S: Аллоҳ бўйдоқларга солиҳа жуфтлар ато этсин. Уйлангаларга ҳам.)))

Сайид Исло

Facebook.com ижтимоий тармоғидан олинди

Ўзбекистонда "Виртуал қабулхона" варажаси тобора шиддатли тус олмоқда.

Одамларнинг бор дардини Мирзиёевга очикча айта бошлагани, назаримда, ХАЛҚнинг кўп йиллардан буён СУПЕРМЕНни кутиб яшаганини кўрсатади.

Кимдир Москвада қурилишда бир итни боқиб олгани, унга меҳр қўйгани, аммо Ўзбекистон Ҳаво Йўллари итни Ўзбекистонга олиб кетишига изн бермаётганидан шикоят қилса, кимдир тракторига мотор сотиб олмоқчи экани аммо кредит ололмаётганидан нолийди...

Кимдир ташлаб кетган эрини қайтаришни сўраса, яна кимдир сигири туғмаётганидан шикоят қилади....

Мирзиёев - супермен-ми?

Натижалар ҳам кўз-кўз қилина бошланди:

Шавкат Миромонович, уйимиздаги лифтимиз ишлаб кетди, раҳмат сизга...

Шавкат Миромонович, уйимизда свет икки кундан буён ўчмаяпти, умрингиз узоқ бўлсин.

Шавкат Миромонович, банк куёнхона қуришимга кредит берди, бор бўлинг!

Ҳозиргача юз минглаб аризалар виртуал қабулхонага юборилгани, жамиятда муаммолар нақадар кўплигини кўрсатади.

Аммо, виртуал қабулхонада бу муаммолар ечимини топишга вақт,

сабр ва куч-қудрат яна қанчага етаркин?

Фермерга кредит беришдан олдин, билганингни эк, дейиш керакдир, балки?

Банк карточкасидан машина олишга изн бериш учун конвертацияни жорий қилиш керакдир?

Бизга СУПЕРМЕН керакми ёки туб ислохотлар?

Каримов яратган тузум яна қанча дош беради аризалар ечимини топишга?

Саволлар кўп...

Сирожиддин Исло

Манба: Facebook.com



"ҲАҚ ЙЎЛИ, АЛБАТТА, БИР ЎТИЛГУСИ!"

(Чўлпонга ўхшатма)

...Кап-катта муаллим кичик боладан савол сўрди:

- Аллоҳга инонасанми?

- Шубҳасиз!

- Унда у қани, Аллоҳ турган манзили менга кўрсат-чи?!

- Аввал сиз менга Аллоҳ йўқ жойни кўрсатиб беринг...

Боланинг хотиржамлик ва инонч ила айтган сўзи коммунистик тарбия олган муаллимнинг ақлини шоширтди...

Сўлқиллаб келасан, ўзбегим,

Маърифат отига отланиб...

("Ўзбегим")

Ҳа, давлатимиз мустақил бўлгач, илк йилларинда бироз эркинлик шабадалари эсиб, ўзликка, Ҳаққа қайтганлар қайтди. Матбуот, эркин сўз диний эътиқод бир қадар юксалиб, чинакам ҳуррият тотини тотиб кўрди. Бирок, бу жараён узокқа чўзилмади, афсус... Эски ҳаммом, эски тосдан воз кечгиси келмагонлар, ким тўрга ўтса, анга мутеъларча қуллуқ қилиб, "оғзи кийшиқ бўлса-да бойнинг ўғли сўйласин", деб туришдан ҳам ўзгачароқ фикрлаш мумкинлигини шуурига келтиролмаганлар сездирмайгина, майда-майда қадам ташлаб, эгилиб-букилиб, ўрмалаб-тирмашиб "катта" одамга айланиб қолдилар. Энди эса, туянинг қулоғига тирмашиб чиқиб олиб, "мен ҳаммадан баландман, ҳаммадан ақлиман, ҳамма менга бўйсунуши шарт", дея фирромлик билан "мучалбоши" бўлиб олган сичқоннинг "каромати"дек ўйин намоишини кўрмайсизми? Кўрасиз, кўриб, аммо индамайсиз, индай олмайсиз. Чунки, барака топгур лаганбардорларимиз аларни

"семиртиришиб,"

аллақачон

ўткир тишли, буюк калумушларга айлантриб бўлишди. "Ғинг" деб кўринг-чи, ўзингизни қаерда кўрар экансиз? Ё хорижда, ё зиндонда, ё... Худо асрасин-а, қолганини айтишқа камина ёмон гумонга кетишдан кўрқдим.

Узок... оғир йўлга чикқан йўлчимен,

Бу йўлларда килоғузим юлдузидир. Мен юртимнинг пок истакли кучимен,

У юлдузнинг тугалиши кундузидир!

("Юрт йўли")

...Аллақачон поезди ўтиб кетган шўровий мафқуранинг юлунгон пошнасиға ёпишиб қолгонлар ҳам оз эмас экан. Эмди алар "коммунистик партия"нинг ўрниға "мустақиллик" сўзини тўн қилиб кийгизиб, "эркин фикрляпмиз, мустақил сўзимизни айтаяпмиз", деб бонг ураётирлар. Аслинда эса, бошқаларни инонтирмоқчи бўлгон бу сўзлариға ўзлари ҳам ич-ичдан инонмайдурлар. Чунки, "эркин" сўзларини кўнгилларининг эрки истаб тургон тилакка қараб эмас, мавжуд ҳокимият, мавжуд сиёсатнинг қош-қабоғига қараб, шу тизим истаётган сўзни "эркин" ва "ўз инон ихтиёрлари" бирлан сўзламоқдалар. Бу тоифа кишилар ингичка узилиб, йўғон чўзилиб қолган бугунги муҳим вазиятларда, айниқса, кўзга яққол ташланиб қолишди.

...Ўзини кичик мутахассис санамайдургон кап-катта ёшли бир "катта" рухшунос, яқинда радиомухбир ила суҳбатда "пойинтар-сойинтар гап эгаси"ға

илмий таъриф беруркан: бундай одамлар бошқалар олдида умуман масъулият ҳис қилмаслиғи, калта ўй, худбин ва лоқайд кимса бўлиши мумкинлиги қабилиндағи фикрни илгари сурди, инонч ва виқор-ла сўйлади. Сўнг эса... Бу мавҳум, "булутли" жумлалар энг ка-а-а-т-та лавозимда ўтириб олгон бирисиға тобеъ эканлиғини эшитуб, би-и-и-и-ир саросимаға тушди-ей... "Балки бу одам ўрус тилинда равон сўзлар, балки бошқа тилларда гўзал жумлалар туза билур, буни билмоғим шарт, андин сўнгра аниқ хулосалар айтурман, йўқса, ҳаққим йўқ", - дея қаловланди-қолди...

Кизик, ўзбек элға бош бўлишқа ошиқаётургон одам ўзбекча жумла туза билмаса, демакким, "катта" мутахассис - рухшуноснинг илмий таърифи-хулосасиға таянадургон бўлсак, эл олдида масъулият ҳис қилмаслиғи кафтдек аён... Унда бошқа тилда яхши сўзласа, бундан кимга нима наф? Қоловурса, ўзи ўсгон эл тилини эъвозламайдургон одамнинг қалибида ўзга эл, ўзга тилға нисбатан ҳурмат ва масъулият ҳисси бўлиши мумкинму?

Ҳа-ааа... Давлатимиз расман мустақил деб эълон қилинғонидан сўнг ҳам ҳ-у-у-у-в шўро давриндағи зулм ва риёкорлик машинасининг устиға "истиклол" шойисини ёпиб қўйиб, гуриллатиб ишлатиб юраверган экан бу шоввоз "катта"лар, кўзларимизни шамғалат қилиб... Мана энди барининг миси чиқиб қолди... Бугун бу фирром ўйинларни ўзбекнинг энг содда, энг оми ва энг гўл фуқароси ҳам англаб, тушуниб етди. Зотан,

Тилинган тилларға қон югургуси, Бўшалган инларға жонлар киргуси.

Тиканли боқчалар чечак кўргуси, Ҳақ йўли, албатта, бир ўтилгуси!..

("Созим"дан)

Биров олдин биров кейин, тегирмондағи каби: навбат-навбати бирлан, вақти-вақти бирлан, вазият-вазияти, моҳият-моҳияти бирлан ҳар ким Ҳақ олдида бошини барибир эггусидур!...

Аммо, афсус, шунга қарамай, асрлар бўйи ўзбекнинг вужуди, қони, руҳиға йилондай ўралиб, чирмашиб олган кўрқув ҳисси бизнинг том маънода ўзлимизиға қайтишқа, ҳақиқатнинг кўзлариға тик қарашқа йўл бермай келаётир. Кўпларимиз тан олиб-тан олмайдургон кўрқоқлик ҳисси бизни

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

инсонлик, жўмардлик шарафидан жудо қилиб, мунофиқлик иллатига ботирмоқда. Халқнинг ҳаққини еб, яна халққа зулм қилиб, дўқ қилиб, дунё ҳамжамиятига эса кўзини лўқ қилиб, "Биз ҳуқуқий-демократик давлатмиз", дея мунофиқлик қилаётган ҳукуматнинг қора ишларини кўра-била туриб, "ўз инон ихтиёримиз бирла" аларнинг қилмишларини оқ дея талқин, ташвиқ этурмиз. Бизнинг ҳаққимиз-ҳуқуқимиз учун курашадурғон, ҳақ сўзни айтадурғон,

"Энди ҳар нафасда яна қуямен,
Фақат мажнун бўлиб элни севамен,

Унга ҳурмат билан бўйин эгамен,
Бошимни у учун дорга қўямен!..."-

("Мен ҳам севамен")

дегучи элдошларимизни кўр-кўрона "ватан хоини" атаб, ҳақоратлайдурмиз. Аксинча, бошимизга чиқиб ўтириб олгон риёкор "катта"ларни олқишлаб, тегирмонлариға сув қуядурмиз. Мунофиқликқиладурмиз: дилимизда бошқа, тилимизда бошқа-бошқа сўз айтадурмиз. Бир ҳовуч зулмкор-қароқчиларға хушомадгўйлик қилурман деб, башар аҳлиға Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди сингари жасурлиғи, матонати ила ибрат бўлган марди майдонларни бергон ўз миллатимизнинг шаънини кўрқоқлиғимиз, жоҳиллиғимиз ила ерга ураётқанимизни англамайдурмиз.

Аллоҳ қаршисида, ўзга уммат- миллатлар қошида, жилла курса виждонимиз қаршисида уялмайдурғон бир ҳолғаи солди бизни бу кўркунчлар, эвоҳ!...

Ол байроғингни, қалбинг уйғонсин,

Кулик, асорат - барчаси ёнсин,
Қур янги давлат, ёвлар ўртансин,
Ўсиб Туркистон қаддин кўтарсин!

("Туркистон")

Бугун ўз-ўзидан яна бир ғалати метафорик ҳолат юзаға қалқиб чиқди: "катта"лар кичкина нарсалар ҳақида ўйлайдурғон бўлиб қолдилар, "кичик"лар эса катта нарсалар ҳақида...

Олтин бошли ва олтин қўлли одамлар эл фаровонлиғи ва маърифатини юксалтиришдек катта мақсадлари катта ловозимда ўтирганларнинг моддиятпарастлиғи, майда ва худбинона мақсадлари билан тўқнаш келиб қолгонлиқлари вайиндан ўзга юртларға бош олиб



кетмоққа мажбур бўлгонлиқларини баримиз балодай билурмиз. Аммо... Халқнинг асосий фоизини ташкил этадурғон оддий одамлар ўзларини кичик олиб, "катта"ларнинг ишиға аралашса ёмон бўлишини биларақ, бу адолатсизликларни окламайдурлар ҳам, ёқламайдурлар ҳам. Жилла курса жим юришни афзал кўрадурлар. Аммо, "юртнинг, миллатнинг тақдири бу кетишда нима бўлади", деган катта сўроқли қайғулар аларнинг қалбини ҳамиша безовта этиб турадур. Билъакс, элнинг олдиға тушиб, аларни ҳақ йўлиға етаклаши керак бўлгон баъзи катта шоирлар-у катта ашулачилар саҳнаға чиқиб олқишланиш-у унвон олиш, шахсий шон-шухратқа эришишдек майда ҳасратларини олд плонға қўюб, миллат қайғусини кичик кўруб ортқа суриб қўйганликдан ҳадеб "катта"ларға хушомад уриб ўлиб-тирилиб ётибдурлар. Ўзбек ҳукуматининг адолатсиз сиёсати бутун дунёға маълум бўлиб улгургон эса-да, булар энди халқни чалғитмоққа уруниб, ҳатто шу ҳукуматдан "урулгонлари" ҳам маддоҳлик қилишқа тушиб кетдилар.

Буюк дард соҳиблари эса буюк сукут ичра ночордурлар... Аларнинг амали амалдорларға лутфигўйлик қилмоқ эрмас, эл дардига дармон изламоқдин иборат. Яъниким:

Ўйқ ишим ҳоким амалдор, шоҳу хоқонлар билан,

Биргадурман доимо ҳамдард бўлгонлар билан!...

("Галдир")

...Шу кунларда муваққат "катта"нинг Андижонға ташлаган "қора масқали"лардан иборат армияси (2005 йилни машъум воқеъаси сабаб) эркаклари зиндонбанд қилинган ва юртдан қочгон оилаларнинг ожизалариға

зулм қилиб, аларни қурол бирла таҳликаға солиб, талон-тарож этаётқанлиқлари ижтимоий тармоқларни ларзаға солди. Хотин-халаж ва гўдақларни кўркутуш, хўрлаш, сабрли элнинг ярасини тирнаш бирла шухрату ҳурмат қозонишқа, мансаб курсисига эришишқа уруниш ўта кетган калтабинлик ва тубанлик эмасму?... Заифаларни бахтдан мосуво айлаб, оилаларни пароканда этиб, жужуқларнинг жавдираган кўзларидан шашқатор ёшларини оқизаётқан бу "кучли"лар "қудратли давлат ва бахтли келажак" ҳақида сафсата сотурларму яна?...

Қалбимда йиғлаган малаклар кимлар?

Шарқнинг оналари, жувонларими?

Қаршимда инграган бу жонлар кимлар?

Қуллар ўлкасининг инсонларими?

("Амалнинг ўлими")

Хуллас, "катта"ларнинг майда мақсадлари ила алар кичик кўруб, менсимаётгани миллионлаган оддий одамлардан иборат катта бир халқнинг Ватан тақдири, эл эртаси хусусиндағи катта ўйлари ўз-ўзидан бир-бириға рўбарў келиб турибдир...

Ечим битта: Ё "катта"лар ёлғондан, ваъдабозлик ва риёкорлик, очкўзлик ва зулмдан воз кечадурлар, ё-да сабр илмидан сабоқ олган буюк эл аларға каттагина бир сабоқ бериб қўйишқа мажбур бўладур. Зеро,

Халқ денгиздир, халқ тўлқиндир, халқ кучдир,

Халқ исёндир, халқ оловдир, халқ ўчдир...

Ҳарна эса охири бахайр бўлсин, ишқилиб...

XXI асп Думбулининг дўсти
XXI асп Галдири

Манба: bbc.com/uzbek

Ёзувчи, мархум Ислон Каримовнинг собиқ матбуот котиби Мурод Муҳаммад Дўстнинг Фейсбук ижтимоий тармоғидаги саҳифасида Лотин ҳарфининг Ўзбекистонда жорий қилинишига оид бошлаган мунозрасига (<https://www.facebook.com/murad.muhammad-dost/posts/694674520687589>) биз ҳам қўшилиб, Мурод Муҳаммад Дўст саҳифасига шоир ва сиёсат арбоби Муҳаммад Солиҳнинг Лотин алифбоси хусусида турли йилларда ёзилган 2 та мақоласини жойлаштирган эдик.

Афсуски жаноб Мурод Муҳаммад Дўст бу мақолалардан бир парча қолдириб, қолган қисмини олиб ташлабди.

Албатта, Мурод Муҳаммад Дўст эҳтиёткорлик билан ҳаракат қилган бўлиши мумкин. Аммо биз мазкур мавзунинг долзарблигини ҳисобга олиб, Муҳаммад Солиҳнинг эслатилган мақолаларини ўз саҳифамизда эълон қилишга жазм этдик.

Ўзбекистонда Лотин алифбоси тақдирини ҳақида тадқиқот олиб борар экан, мен бугун Халқаро Евросиё институтининг расмий сайтида айнан сизга тақдим этилган "ГАРМОНИЯ ГЛАСНЫХ — ГАРМОНИЯ ТЮРКСКИХ НАРОДОВ" мақоласини кўриб қолдим. <http://www.iicas.org/page.php?id=23>

Халқаро Евросиё институти каби жиддий бир муаасасанинг диққатини чеккан бу мақола ўзбек тилшунослиги ва янги алифбо хусусида боши оғриётган ўзбек ҳукуматининг ҳам диққатини чекади, деб умид қиламиз.

Қуйида Муҳаммад Солиҳнинг 2000 йилда ёзилган айна мавзудаги мақоласи.

"УНЛИЛАР УЙҒУНЛИГИ" ТУРК ҚАВМЛАРИНИНГ УЙҒУНЛИГИДИР

Муҳаммад Солиҳ

Ўзбек тили Буюк Турк тилининг бир шохабчаси ўлароқ сингармоник тил, яъни унли сасларнинг уйғунлигига қурилган бир мусиқий тилдир.

Сингармонизм ҳақида, янглишмасам, 1984 йилда (мистик шоир Сўфи Оллоёр шеърлари мисолида) бир мақола ёзган ва бу мавзуда бир тилчи дўстимиз билан анча тортишгандик.

Яъни "унлилар масаласи" бугун пайдо бўлгани йўқ.

"Унлилар уйғунлиги" Турк қавмларининг уйғунлигидир

Шунингдек, бу масала 84 йилда ҳам, ҳатто 20-йилларда жадидлар зомонида ҳам илк пайдо бўлмаганди. Бу муаммони улардан ҳам олдин, 16-асрда, Туркистонда "зериканидан" Ҳиндистонга кетиб, у ерда Империя қурган андижонлик Заҳриддин Муҳаммад Бобур кўтаргани ва араб алифбосида туркчадаги унли сасларини ифодаловчи ҳарфлар йўқлигидан нолиганди.

Ҳеч шубҳасиз, сингармонизм қонуниятига энг уйғун алифбо Ўрхун ёзувлари эди, аммо бу имло аллақачон тарихга кўмилди, уни қўллашнинг имкони йўқ, зеро сўнги минг йил ичида турк тили фонетик ва морфологик жиҳатдан ўзгарди.

"Унлилар муаммоси" Советлар даврида янада чуқурлашди. 30-йилларда болшевиклар тарафидан юритилган нотўғри тил сиёсати - ўзбек адабий тилининг фонетика ва морфологияси фақат Тошкент ва Фарғона шевалари устига қурилиб, қолган шевалар истъъмолдан чиқарилгани ва кирил алифбосига ўтиши - оқибатида ўзбекчада форсча талаффузи унсурлари кучая борди ва адабий тилимиз бошқа турк қавмларининг адабий тилидан сезиларли даражада узоклашди.

1980-йилларга келиб, Ўзбекистоннинг расмий тилчилари сингармонизм ўзбекчадан борган сари йўқолиб борапти, чунки тилимиз тараққий қилмоқда, бу табиий жараён, деган сафсатани жамоатчиликка қабул қилдирганди. Ваҳоланки, сингармонизм халқ гапираётган тилда яшашда давом этаётганди, у кирилча алифбе ва тил нималигини билмайдиган тилчиларимизнинг талаффузидан чиқиб кетаётганди. Лекин алифбонинг тилимизга бегоналиги адабий тилни халқ тилидан бегоналаштира бошлагани ҳам тўғри эди. Бу вазият бугун ҳам ўзгаргани йўқ. Аксинча, Ўзбекистон ҳукуматининг 1995-йилда тасдиқлаган "Ўзбек тили графикаси" ўзбекларни Алифбо Лабиринтларида яна бир неча йил сарсон юришига маҳқум қиладиганга ўхшайди.

Бу ҳукуматнинг барча соҳаларда

бўлгани каби, тил соҳасидаги бу ташаббуси очикчасига ғайримиллий ва ғайримиллийдир. Унинг танлаган алифбоси бизнинг бой тилимизни қашшоқлаштиришга олиб келиши шубҳасиздир. Мана шу қашшоқлаштириш сўзидаги "sh" ҳарфини иккита иеорглиф билан қўлланилиши, ҳукумат алифбосининг, аниқроғи, ҳукуматнинг башарасидаги кўтирнинг ўзгинаси эмасми?

Биз ЭРК веб-саҳифасида ва ЭРК газетасида ҳукуматнинг алифбосини ишлатиб кўрдик ва шунга амин бўлдик-ки, бу алифбони ҳатто унча кенг бўлмаган аудиторияда қўллаш ҳам тил маданиятига зарар бериши муқаррардир. Материлларни саҳифага қўяр экан, биродарларимиз қайси сўзни қайси ҳарф билан ифодалашни билмай қоладиган бўлдилар, ҳукуматнинг "янги алифбоси" шу қадар расво!

Биз бу кичик тажрибадан келиб чиқиб, ўзбек тилига максимум уйғун бир алифбо тузиш аввалги йилларда қандай зарур бўлса бугун ҳам шундай зарур эканлигини кўрдик.

Бўлажак янги алифбога 1939 йилда қабул қилинган кирилча ўзбек алифбосига киритилмаган 3 та ғоят муҳим унли товуш ҳарф киритилиши лозим:

1) Бу "gözal" (гўзал), "söz" (сўз), "ölim" (ўлим), "örka" (ўпка), "ölka" (ўлка) сўзларидаги "ö" ҳарфи. Бу асло "ortaq" (ўртоқ), "oquvchi" (ўқувчи), "otirmoq" (ўтирмақ), ўтлоқ (otlaq) даги "O" эмас.

2) Устида нуқтасиз "I" ҳарфи: "ısm", "ısıraq", "ıstak" даги "ı". Бу асло иймон (iymon), мусиқий (musiqiy), ҳақиқий (haqiqiy) сўзларидаги "I" эмас. 3) Устида ишоратли "Ü": бу ҳарф "üstiga üstak", "ünli", "ündoş", "tüşmoq", "Ürganç", "üka", "taşabbüs" сўзларидаги "ü". Бу асло "usta", "uçmoq", "uçqun" сўзларидаги "U" эмас.

Изоҳ: Кирилдаги "Ў" ўрнига "O" таклиф қилинапти. Ўз навбатида, "O" ўрнига устида ишоратли Ä (ä) таклиф қилинапти.

Бугунги Алифбонинг Ундошларидаги ўзгариш таклифи:

G' ўрнига G,

CH ўрнига Ç,

SH ўрнига Ş шаклини таклиф қиламиз.

Алифбода 1939-йилдан бери қўлланилиб келган кирил алифбосидаги "цирк" сўзининг бошида келадиган "Ц" сасини

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

берувчи бир ҳарфдан ташқари барча ҳарфлар мавжуд. Ц ҳарфини "S" ҳарфи билан ҳам ифодаласа бўлаверади, биз "ЦИРК" деганда русларга ўхшаб талаффуз қилишга маҳкум эмасмиз. Кирилда ишлатганимиз Ё ва Я ҳарфи эса иккита ишорат ЙО ва ЯА билан ёзилади. Кирилдаги "Ш" ҳарфи Туркия туркчасидаги думли "Ş"; кириладаги "Ч" эса туркча "Ç" ҳарфлари билан алмаштирилади. Хукуматнинг янги лотин

алифбосида ҳар хил товушли сўзлар бир хил ҳарфлар билан белгиланиб, худди кирил алифбосида бўлгани каби, тилимизда унли саслар деформатсиясини янада чуқурлаштираётти. Унлилар уйғунлигини тамин этмақдан мақсад, алифбомизни бошқа турк қавмлари алифбосига яқинлаштириш, улар билан маданий алоқаларнинг тамалини ҳеч бўлмаса алифбо бирлиги билан мустаҳкамлашдир. Яъни, мақсадимиз хукуматнинг ўз алифбосидан кўзлаган

мақсадларининг том тескариси.

Балки бу алифбо Туркларнинг Бирлиги каби буюк хаёлнинг илк поғоналарига қўйилган илк одим бўлар. Ҳар ҳолда, бу турк давлатларининг интегратсиясига қўшилган кичик, аммо реал ҳисса бўлар.

Мухаммад Солиҳнинг 2013 йилда Истанбулда чоп этилган "Туркистон шуури" номли китобидан олинди. (213-215-саҳифалар.)

Манба: Facebook.com



бўлган, Каримов иқтибос келтирган "дангасалар", ўз юртингда бир шаҳардан бошқасига эмин эркин бориб ишлаш у ёқда турсин, яшашнинг ҳам иложи бўлмаётганлиги ҳақида ким ҳеч ким ёзмайди.

Доимий равишда муҳокама қилинаётган сиёсий маҳбусларга

олдида адолат ўрнатган раҳбардек олиб ташлашяпти. Агар гапларим нотўғри бўлса, шу мансабларга қўйилаётган одамларни нима учун халқ танламаяпти, халқ танлов қила олиши учун халқнинг ҳуқуқий саводхонлиги оширилмаяпти, нима учун таълим тизими асосидан дарс кетган. Чунки оддий халқга бир нарсани такрорлаб, уни шу нарсага ишонишга мажбур қилиш ва асосий эътиборни маиший муоммоларга қаратишдир. Бу йўлда маҳаллий "пропаганда" каналлари тинмай хизмат қилишмоқда.

Энг ачинарлиси, қобилиятли, билимли ёшларни олий таълим муассасаларида таҳсил олиш оғир бўлаётгани, барчасига пораўрлик сабаб бўлаётганидир. Албатта бу ҳақда маҳаллий телеканаллар ҳам, виртуал қабулхонадагилар ҳам индашмайди. Узи истаган соҳада таълим ололмаган ёшлар, оила тебратиб туриш учун ҳам чет элга кетиб, ўша ерларда меҳнат қиляпти. Халқ потенциал ёш кадрлардан айриляпти, устига устак ҳозирги кадрлардан аксарияти пора билан билим олганлар бўлиб, улар ўзлари ўрганган "мактаб" давомчиларига айланшяпти, салоҳиятли ёшлар эса яна ўша пора сабаб иш топа олишмайди. Бу эса келажак авлодда билим олишга бўлган интилишни сусайтириб боряпти.

Хулоса қилиб айтганда, ҳозир тизим вакиллари, аввалари бўлгани каби зиёлиларни кўпайишини истамайди, зеро уқувсиз жамоани бошқариш анча афзалроқ.

Шу йўлда улар мавжуд зиёлиларни зиндонларда сақлаб, бўлиши мумкин бўлганларини эса таълим муассасаларидаёқ издан чиқаришяпти.

Абдуллоҳ Нусрат

"Қуллуқ"даги "қул"лар

Шу кунларда ижтимоий тармоқларда бош вазирнинг виртуал қабулхонасига нома ёзиб дардига дармон топганлар ҳақида оғиз кўпиртиб гапириб беришяпти-ю, аслида эса буларнинг бари сиёсий кўзбўямачилик эканлигини билиб туриб тан олишни исташмайди.

Албатта бу гапларимни ҳозирнинг ўзида оғзимга ёпиштироқчи бўлганлар бисёргина. Лекин шу "шукроний" ватандошларимни эса ҳозирги тизимда "пичоғи ёғ" устидалигидан мамнун. Ундайларга ўзгариш, хуррият асло керак эмас, бўлмаса ҳозирда қилиб юрган ишларини у пайтга келиб қила олмасликлари мумкин, уларни фақат шу хавотирга солиши мумкин ҳолос. Бундайлари фақатгина тизим "югурдаги" бўлибгина қолмай, аввало "нафс қуллари"дирлар.

Агар юқорида эслатиб ўтган иқтибосларимга ишонмасангиз ўзингиз бир назар солинг виртуал қабулхонада "шифо" топган дардларга.

Кимгадир машинасини "вақтидан олдин олиб бериш", пластик қабул қилмаган корхоналарга жазо қўллаш, кундалик мактаб ёки коллеждаги йиғим пуллар ҳақда гап кетади. Лекин ҳеч ким вилоятда об ҳавога қарамай пахта теришга мажбур бўлган талаба ёки ишчи ҳақида, беайб умрини қамоқхоналарда ҳазон қилаётган сиёсий ёки диний маҳбуслар, чет давлатларда ризқ теришга мажбур

бўлган муносабатдан бошласак. Кунни кеча жазо муддати узайтирилган Самандар Қўқонов, Мухаммад Бекжон каби сиёсий маҳбусларга бўлган муносабат диктаторлик режимида шаклланиб, ҳозирда амал қилиниб келинади. Сабаби зиёли муҳолифатчиларни мавжудлиги улар ноқонуний равишда эгллаб турган курсиларини тебратиб қўйиши мумкинлигидан ҳавотир олишади.

Ҳар қандай эркин фикр ва танқид, зулм ва ўзбошимчилик билан топталишига ҳаракат қилинади. Қамоқхоналарда сиёсий маҳбусларга бўлган муносабат барчага аён, бу ҳақда диктатор режими остидаги қамоқхоналарда 13 йил умрини ўтқазган Мухаммадали Маҳмудов (Эврил Турон) ўз кундалик битикларида қамоқхоналардаги зулм, кундалик қалатақлаш ва оғир меҳнат билан уларни ўз фикрларидан қайтиб, тизим олдида бош эгиб авф сўрашларини ва буни қанчалик оммавий намойиш этишни исташлари ҳақида баён этган эди. Зеро эркин фикрли зиёли ортидан эргашувчилар албатта бўлади ва бу халқнинг бир қолипга солиб бошқарилишига асосланган режимнинг илдизларига болта уриши аниқ.

Ҳозирда амалга ноқонуний равишда келганлар, ўзларига содиқларни янги мансабларга қўйиб, аввалгиларини эса халқ

"ERKIN YURT"
интернет-газетаси
Ўзбекистон Халқ Ҳаракати расмий
нашри
www.uzxalqharakati.com/erkinyurt
Мухаррир: Нурбек Саломов